

Дўстмуҳаммад Насриддин Бодарий

درس الصرف الكامل

Мукаммал сарф дарслиги

(Араб тили сарф фанидан дарслик)

*Эълол қоидалари, боблар хусусияти, иловалар ва зарур
қоидалар*

Тошкент
Мовароуннахр
2009 йил



Мукаддима

Бу бандаи ожиз, яъни ушбу «Сарф китоби» асарининг муаллифи Дўстмуҳаммад Насриддин ўғли, 1953 йили Бухородаги Мир Араб мадрасасига ўқишга кирдим. Ўша йили қишки таътилгача улуғ устозлардан таълим олиб, *ضَرَبُوا*, *ضَرَبْنَا*, *ضَرَبْتُ* деб ўқир эдик. Бу *ضَرَبْتُ* нимага керак, деб айтар эдик. Устозларим шундай жавоб берган эдилар: «Такрор қилаверсанг, бир куни тушунасан». Сўнг ҳамма талабалар қишки таътилга чиқишди. Мен бандаи ожиз эса ўқув даргоҳида қолдим. Ўша маҳал марҳум устоз ҳожи Мухторжон ибн Абдуллоҳ Кўқондий Бухорий домланинг талабалик чоғлари эди. Ўшанда бу мухтарам зотдан: «Таксир, бу «*ضَرَبْتُ*»нинг нима ҳикмати бор?» деб сўрадим. Шунда ул зоти мухтарам бунинг сирини тушунтириб бердилар. Сабаби, Аллоҳ таолонинг марҳамати билан мен фақирга шу илмни тушунишим учун вақту соатнинг етгани бўлди.

Шу вақтдан бошлаб, аста-секин илми сарфни такрор қила бошладим. Шу йилнинг охиригача сарф қоидаларини бир оз тушуниб қолдим. Қимирлаган қир ошар деб, энди аста-секин сарф қоидаларини ёдлай бошладим. Иккинчи йилнинг ярмигача 22 бобни тўлиқ ёд олдим. Қаттиқ ҳаракат қилиб, ҳатто одатим шу бўлдики, аср намозини жамоат билан ўқиб, кейин дафтаримни олиб, мадрасанинг томига чиқиб, то шомгача 22 бобни эълоллари билан ёддан такрор қилар эдим. Бақадри тоқат, ҳар куни ишим шу эди.

Мана бугунги тавфиқли кунга келиб, ўша такрорлар ҳамда сарф қоидаларини ёдлаганим учун ушбу «Тўлиқ сарф китобини» тўплашга муваффақ бўлдим. Шунинг учун бу ожизона асарни ўқувчи толиби илмлардан истагим

шуки, бундаги сарф қоидаларини оз-оздан бўлса ҳам ёд олишга уринсинлар. Сабабки, қоидаларни ёдлашда кўп фойдалар бор. Аллоҳ таолодан умидим шулким, қайси бир толиби илм ниятини холис қилиб, «ўрганган илмимга амал қиламан», деб, ушбу китобни қўлига олса, динига содиқ ота-боболар изидан бориб, ўз илму маърифати билан «халқимизнинг билимли бўлиши, тинчлиги, бирлиги ва иноқлиги йўлида хизмат қиламан», деб қасд қилса, Аллоҳ таоло ўша толиби илми бу сарф китобининг қоидаларидан баҳраманд айласин.

Омин, ё Раббал олабийн!

Азиз дўстларнинг муборак хотирлари учун эслатма

Араб тили бизнинг дин тилимиз бўлгани учун бу тилни билмоқ биз бандаларга фарз ва зарурийдир. Бошқа ҳар хил тилни билмоқ ўша тилнинг сарфини, яъни қоидаларини билмоққа мавқуф бўлгани учун ҳар бир жойда ўқувчи болаларга туркий-ўзбек тилини ўқишни билгандан кейин араб тилининг сарфини ўқитмоқ асосий қонун бўлган. Лекин бизнинг болаларимизга сарф ўқита бошлаганда арабча тасниф қилинган рисоаларни ўқитмоқ мақсадга мувофиқ эмас. Сабабким, араб тилидан асло хабари бўлмаган ўқувчи болаларга аввал иборани мутолаа қилдирмоқ ва ундан кейин қоидаларни тушунтирмоқ кўп машаққат бўлади.

Илми сарф ҳақида форс тилида ёзилган «Бидон», «Шарҳи Абдуллоҳ» ва бошқа китоблар бор, булар ўрганиш учун мувофиқ ва қулай асарлардандир. Аммо туркийзабон ўқувчилар учун ҳам шундай қулай рисола бўлишини эътиборда тутиб, бу камтарин Дўстмуҳаммад Насриддин мазкур асарлардан энг зарур қоидаларни саралаб, бақадри тоқат ўзбек тилига ўгирдим. Сабабким, толибларга тил қоидалари ўз тилларида ўқитилса, улар яхши тушуниб, тез

муддатда мақсадга етишлари осон бўлади. Ана шу фойдаларни кўзлаб, халқимизга бир ожизона хизмат қилиш ва мустақиллик маънавиятига ҳисса қўшиш ниятида ушбу асарга қўл урдим. Ушбу асарнинг юзага келишига рози бўлиб, хайрхоҳлик қилган кишиларнинг дунёю охиратлари обод бўлсин.

Омин ё Раббал Олабийн!

Ҳамд

Бизни мўмин муслмон бандаси қилиб яратган ҳамда кўнглимизга тавфиқи тоатни илҳом қилиб, намоз ўқиш ва рўза тутиш ва илм олиш муҳаббатини кўнглимизга солган, яна бунинг устига Ҳазрати Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдек зотга уммат қилган Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин. Ҳазрати Одам отамизнинг вужуди шарифларига иллоти ғойий ва сабаби асосий бўлган Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва ул зотнинг аҳли аёлларига, асхобларига Аллоҳ таолонинг туганмас раҳмати ёғилсин. Яна ҳақ йўлни топишликда порлаб турган юлдузлар каби бўлган улуғ саҳобаларга эргашиб, у зотларнинг изидан боришликда чидам камарини белларига маҳкам боғлаб, то қиёматгача ўтадиган уммати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга чексиз раҳматлар ёғсин. Ушбу “Тўлиқ сарф” китобини тасниф этувчи Дўстмуҳаммад Насриддин Бодарий мухтарам устозлари: жаноби Муҳаммад Амин домла ва жаноби Алихонтўра Соғуний ва жаноби Муҳаммад Шариф Ҳожи Ҳиндистоний-Кўқандий-Мавлавий каби зотларнинг камтарин шогирдларидандир. Ушбу ожизона асарни ўқиб, баҳраманд бўлган азиз ва мухтарам китобхон дўстларимиздан илтимосимиз шулким, бу мухтарам устозларимиз ҳақларига ва улар туфайли бу бандаи ожизнинг ҳаққига ҳам дуои хайр қилсалар. Сабабким,

инсон хоҳ тирик бўлсин, хоҳ ўлик бўлсин, у чин дўстларнинг дуои хайрига муҳтождир. «Ёмғир билан ер кўкарар, дуо билан эл кўкарар» ҳамда «Дуо олтин эмасму» мақолларининг муқтазоси ҳам шудир.

Саъдий Шерозий ҳазратларидан байт:

«Ғараз нақшаст каз мо боз монад,
ки ҳастиро намебинам бақое,
Магар соҳибдиле рўзе бараҳмат
кунад дар ҳаққи дарвешон дуое».

Яъни, ушбу нақш, яъни асар биздан кейин (бир ёдгор бўлиб) қолсин, чунки борлиқ бу ҳаёт абадий эмас, ўткинчидир. Шоядки, бир соҳибдил – эзгу қалбли киши бу дарвишлар ҳаққига Аллоҳнинг раҳматини тилаб дуои хайр қилса...

Дўстмуҳаммад НАСРИДДИН БОДАРИЙ



Эй ўқувчи! Ўқиган дарсингнинг маъносини фаҳмлаб, тушуниб ўқигил. Аллоҳ таоло сени икки жаҳонда бахтли қилсин.

Билки араб калималари уч қисмдир:

1. Исм – اسم
2. Феъл – فعل
3. Ҳарф – حرف

Исмга мисол: رَجُل

Феълга мисол: ضَرَبَ

Ҳарфга мисол: مِنْ، عَنْ

1. Исм уч қисмдир:

- 1). Сулосий – ثَلَاثِي
- 2). Рубоий – رُبَاعِي
- 3). Хумосий – خُمَائِي

Исми сулосий деб уч ҳарфлик исмга айтилади.

Масалан: زَيْدٌ

Исми рубоий деб тўрт ҳарфлик исмга айтилади.

Масалан: جَعْفَرٌ

Исми хумосий деб беш ҳарфлик исмга айтилади.

Масалан, سَفْرُجَلٌ

2. Феъл икки қисмдир:

1. Сулосий – ثَلَاثِي
2. Рубоий – رُبَاعِي

Феъли сулосий деб уч ҳарфлик феълга айтилади.

Масалан: ضَرَبَ

Феъли рубоий деб тўрт ҳарфлик феълга айтилади.

Масалан: دَخَرَ

Зоид бўлган (яъни орттирилган) ҳарфлардан аслий бўлган ҳарфларни танимоқдаги араб сўзининг тарозуси:

لام، عَيْن، فاء، (фо, айн, лом) дир.

3. Ҳарф икки қисмдир:

1) Аслий ҳарф.

2) Зоид ҳарф.

Аслий ҳарф шундай ҳарфки, فاء، عَيْن، لام нинг биттаси қаршисида (баробарида) бўлади.

Масалан: فَعَلَ - ضَرَبَ вазнида.

Ҳарфи зоид шундай ҳарфки, فاء، عَيْن، لام ларнинг бирортаси қаршисида (баробарида) бўлмайди.

Масалан: أَكْرَمَ - أَفْعَلَ вазнида. Бунда أَكْرَمَ ни فَعَلَ га солиштирганда ا (алиф) ҳарфи зоид бўлади. أَكْرَمَ нинг асли كَرَمَ дир.

Аслий ҳарф уч ҳарфлик бўлган калимада у учтадир:

لام، عَيْن، فاء

Аслий ҳарф тўрт ҳарфлик бўлган калимада тўрттадир: لام، عَيْن، فاء

Аслий ҳарф беш ҳарфлик бўлган калимада бештадир: لام، عَيْن، فاء

Уч ҳарфлик калима икки қисмдир:

1. ثلاثي مُجَرَّد (сулосий мужаррад), яъни, ҳарфи зоид йўк (якка) калималар.

2. ثلاثي مَزِيد (сулосий мазид), яъни, ҳарфи зоиди бор калималар.

Сулосий мужаррад шундай калимадирки, унинг уч аслий ҳарфининг устига бирор ҳарф орттирилмаган бўлади.

Масалан: ضَرَبَ – فَعَلَ вазнида.

Сулосий мазид шундай калимадирки, унинг уч аслий ҳарфининг устига бирор ҳарф орттирилган бўлади.

Масалан: أَكْرَمَ – أَفْعَلَ вазнида.

Тўрт ҳарфлик калима ҳам сулосийга ўхшаш икки қисмдир:

1. رِبَاعِي مُجَرَّد (Рубоий мужаррад)

2. رِبَاعِي مَزِيد (Рубоий мазид).

Рубоий мужаррад шундай калимадирки, унинг аслий тўрт ҳарфининг устига бирор ҳарф орттирилмаган бўлади.

Масалан: دَخَرَجَ – فَعَّلَلَ вазнида.

Рубоий мазид шундай калимадирки, унинг аслий тўрт ҳарфининг устига бирор ҳарф орттирилган бўлади.

Масалан: تَدَخَّرَلَ – تَفَعَّلَلَ вазнида.

Беш ҳарфлик калима ҳам икки қисмдир:

1. خُمُوسِي مُجَرَّد (хумосий мужаррад).

2. خُمُوسِي مَزِيد (хумосий мазид).

Хумосий мужаррад шундай калимадирки, унинг аслий беш ҳарфининг устига бирор ҳарф орттирилмайди.

Масалан: جَحْمَرِيشَ (қари кампир) – فَعَّلَّلَ вазнида.

Хумосий мазид шундай калимадирки, унинг беш аслий ҳарфининг устига бирор ҳарф орттирилади.

Масалан: خَنْدَائِيْسَ (қайсар туя) – فَعَّلَّلِلَ вазнида.

Хумосий: خَنْدَرِيْسَ келган).

Исм ва феълнинг қисмлари баёнида

Исм ва феъл етти қисмдир:

I) صَحِيْحٌ (сахих).

II) مُضَاعَفٌ (музоаф).

III) مِثَالٌ (мисол).

IV) أَجْوَفٌ (ажваф).

V) نَاقِصٌ (ноқис).

VI) لَفِيفٌ (лафиф).

VII) مُلْتَوِيٌّ (мултавий).

الْمَفْرُوقُ اللَّيْفِ ↓ (الْمَلْتَوِي)	اللَّيْفُ الْمَفْرُوقُ ↓ (اللَّيْفُ)	الْمَعْلَلُ اللَّامُ ↓ (الْمَلْفُ)	الْمَعْلَلُ الْعَيْنُ ↓ (الْأَجُوفُ)	الْمَعْلَلُ الْفَاءُ ↓ (الْمَيْلُ)	الْمُضْعَفُ (الْمُضَاعَفُ)	السَّامُ ↓ (الصَّحِيحُ)	БОБ
بلاغي تجزید							
وَحِي	رَوَى	رَمَى	نَاغَ	وَثِبَ	فَرَّ	ضَرَبَ - يَضْرِبُ	(I)
—	—	دَعَى	دَامَ	وَدَّ	رَدَّ	نَصَرَ - يَنْصُرُ	
—	—	رَعَى	—	وَضَعَ	—	فَنَعَ - يَفْنَعُ	
وَجِي	قَوِيَ	خَشِيَ	خَافَ	وَضَرَ	عَضَّ	جَمَدَ - يَجْمَدُ	
وَلِي	—	—	—	وَرثَ	—	نَعِمَ - يَنْعَمُ	
—	—	رَخَوَ	طَالَ	وَفَّحَ	حَبَّ	شَرَفَ - يَشْرَفُ	
بلاغي مزید							
أَوْصَى	أَرَوَى	أَهْدَى	أَقَامَ	أَوْجَبَ	أَحَبَّ	أَكْرَمَ - يَكْرُمُ	(IV)
وَلَّى	سَوَّى	رَبَّى	صَوَّبَ	وَحَدَّ	جَدَّدَ	صَوَّخَ - يَصَوِّخُ	(II)
وَالَى	دَاوَى	خَانَى	جَاوَبَ	وَاطَبَ	حَابَّ	سَافَرَ - يَسَافِرُ	(III)
إِثْقَى	إِخْتَوَى	إِخْتَفَى	إِقْتَنَاتَ	إِضْحَجَ	إِخْتَجَّ	إِحْسَبَ - يَحْسِبُ	(VIII))
—	إِزْوَى	إِنْجَلَى	إِنْقَادَ	—	انْقَضَ	انْسَحَبَ - يَنْسَحِبُ	(VII)
—	—	إِرْعَوَى	إِسْوَدَّ	—	—	إِحْمَرَّ - يَحْمَرُّ	(IX)
—	—	—	إِسْوَادًا	—	—	إِحْمَارًا - يَحْمَارُ	(X)
تَوَلَّى	تَرَوَّى	تَقَضَّى	تَصَوَّرَ	تَوَزَّدَ	تَجَدَّدَ	تَفَصَّحَ - يَتَفَصَّحُ	(V)
تَوَارَى	تَدَاوَى	تَصَانَى	تَزَايَدَ	تَوَارَثَ	تَصَامَ	تَدَارَكَ - يَتَدَارَكُ	(VI)
إِسْتَوَى	إِسْتَهْوَى	إِسْتَهْدَى	إِسْتَبَاعَ	إِسْتَوْجَبَ	إِسْتَحَبَّ	إِسْتَنْسَخَ - يَسْتَنْسِخُ	(X)
—	—	إِعْرَزَى	—	—	—	إِخْدَوَدَبَ - يَخْدُوْدِبُ	(XI)
—	—	—	—	—	—	إِجْلُوَزَ - يَجْلُوِزُ	(XII)
بلاغي تجزید							
—	صَوَّضَى	قَلَّسَى	جَوَّرَبَ	وَسَّوَسَ	صَرَّصَرَ	دَخَرَخَ - يَدْخُرُخُ	(I)
بلاغي مزید							
—	—	تَقَلَّسَى	تَجَوَّرَبَ	—	تَصَلَّصَلَ	تَدَخَّرَجَ - يَتَدَخَّرُجُ	(I)
—	—	—	—	—	—	يَبْرَثَشِقَ - يَبْرَثَشِقُ	(II)
—	—	—	—	—	—	أَفْشَعَرَ - يَفْشَعُرُ	(III)

I-Саҳиҳ

Саҳиҳ шундай калимадирки, لام، عَيْنٌ، فاءُ нинг баробарида (қаршисида) хоҳ исм бўлсин, хоҳ феъл, ҳарфи иллат ва икки ҳарф бир жинсдан бўлмайди. Масалан: ضَرْبٌ (урмоқ) ва ضَرْبٍ (урди).

Ҳарфи иллат учтадир: و (вов), ا (алиф), ي (йо) дир.

Байт:

Ҳарфи иллат уч турур,

Гар жамъ қилса, вой (واي) бўлур.

Ҳар киши такрор қилса,

Сарф ичида бой бўлур.

Агар бир калиманинг فا (фо)сининг баробарида ء (хамза) келса, مَهْمُوزُ الْفَا (маҳмузул-фо) дейилади. Яъни хамзалик калима дегани.

Масалан: فَعَلٌ - أَبَرَ вазнида.

أَبَرَ (абара)нинг маъноси:

а) нонга игна суқиб берди;

б) чаён чакди (ниши билан);

в) ошқовоқнинг гулини бир-бирига (эркагу урғочисини) улади, демақдир.

Агар ʻайннинг баробарида хамза келса, مَهْمُوزُ الْعَيْنِ (маҳмузул-айн) дейилади.

Масалан: فَعَلٌ - بَارَ вазнида. بَارَ (ба'аро) маъноси: чоҳ қазиди, демақдир.

Агар ломининг баробарида хамза (ء) келса, مَهْمُوزُ اللَّامِ (маҳмузул-лом) дейилади.

Масалан: فَعَلٌ - بَرَأَ вазнида. Маъноси: яратди, демақдир.

II-Музоъаф.

Музоъаф икки қисмдир:

1. مُضَاعَفٌ ثَلَاثِي (музоафи сулосий).
2. مُضَاعَفٌ رُبَاعِي (музоафи рубоий).

Музоъафи сулосий шундай калимадирки, عَيْنٌ ва لامٌ нинг баробарида хоҳ исм бўлсин, хоҳ феъл, икки ҳарф бир жинсдан бўлади.

Масалан: فَرَّ Аслида فَرَزَ эди, فَعَلَ вазнида.

Музоафи рубоий шундай калимадирки, فا ва اولى، اولام، (фо ва ломи уло) ва عَيْنٌ (айн) ҳамда لامٌ ثَانِي (ломи соний)нинг баробарида икки ҳарф бир жинсдан бўлади.

Масалан: صَرَصَرَ – فَعَّلَ вазнида.

III-Мисол.

مثال яъни, феъли саҳиҳга ўхшайди мозийсининг эълоли йўқлигида. Мисол шундай калимадирки, хоҳ исм бўлсин, хоҳ феъл, فا сининг баробарида ҳарфи иллат бўлади. Масалан: وَعَدَ ва وَعَدَّ – فَعَّلَ ва فَعَّلَ вазнида.

IV-Ажваф.

أَجْوَفٌ яъни, ўртаси ҳарфи саҳиҳдан холи калимадир. Ажваф шундай калимадирки, хоҳ исм бўлсин, хоҳ феъл, عَيْنٌ нинг баробарида ҳарфи иллат бўлади.

Масалан: قَوْلٌ ва قَوْلٌ – فَعَّلَ ва فَعَّلَ вазнида.

V-Ноқис.

ناقص нуксонли калимадир. Охирги ҳарфини баъзи сийғаларида ҳазф қилишлик (яъни олиб ташлашлик) билан нуксонли бўлади. Ноқис шундай калимадирки, хоҳ исм бўлсин, хоҳ феъл «ломи»нинг баробарида ҳарфи иллат бўлади.

Масалан: **فَعَلَ** ва **رَمَى** – **رَمَى** ва **رَمَى**.

VI-Лафиф.

لَفِيف – бир томондан икки ҳарфи иллат билан ўралган калимадир. Лафиф шундай калимадирки, хоҳ исм бўлсин, хоҳ феъл, **عَيْن** ва **لام** нинг баробарида ҳарфи иллат бўлади.

Масалан: **فَعَلَ** ва **قَوِيَ** – **قَوِيَ** ва **قَوِيَ**.

VII-Мултавий.

مُلتَوِي икки томондан ҳарфи иллат билан ўралган калимадир. Мултавий шундай калимадирки, хоҳ исм бўлсин, хоҳ феъл, **فا** ва **لام** нинг баробарида ҳарфи иллат бўлади.

Масалан: **فَعَلَ** ва **وَشِيَ** – **وَشِيَ** ва **وَشِيَ**.

Исм баёни

Исм икки қисмдир:

I) اسم جامد (Исми жомид).

II) اسم مَصْدَر (Исми масдар).

I-Исми жомид

Исми жомид **إِسْمٌ جَامِدٌ** бир ҳолда (ўзгармай) турадиган исм. Исми жомид шундай исмдирки, ундан бирор нарсани иштиқоқ қилиб, яъни ичидан ёриб бирор нарсани олиб бўлмайди.

Масалан: **فَعَلٌ** ва **فَرَسٌ** – **رَجُلٌ** вазнида.

II. Исми масдар.

Исми масдар **إِسْمٌ مَصْدَرٌ** шундай исмдурким, ундан бирор нарсани иштиқоқ қилинади, яъни ичидан ёриб олинади. Ва уни ўзбекчага таржима қилганда маъносининг охирида **مَقٌّ** (-мок) ёки **مَكٌّ** (-мак) қўшимчаси бўлади.

Масалан: **الْمَحَبَّةُ** – севмак, **الضَّرْبُ** – урмоқ.

Иштиқоқ баёни

Араб тилида ҳар бир **مَصْدَرٌ** (масдар)дан 12 нарсани иштиқоқ қилинади.

1. **ماضي** (мозий) – ўтган замон феъли.
2. **مضارع** (музореъ) – келаси замон феъли.
3. **إِسْمٌ فاعِل** (исми фоъил) – от, яъни иш-ҳаракатини бажарувчи кишининг номи.
4. **إِسْمٌ مَفْعُول** (исми мафъул) – бажарилган иш-ҳаракатининг номи.
5. **فَعْلٌ جَاهِد** (феъли жаҳд) – ўтган замонда бўлмаган феъл.
6. **فَعْلٌ نَفِي** (феъли нафий) – келаси замонда бўлмайдиган феъл.
7. **أَمْرٌ حَاضِر** (амри хозир) – буйруқ феъли.

8. **أَمْرٍ غَائِبٍ** (амри ғоиб) – учинчи шахсга қаратилган буйруқ феъли.

9. **فِي حَاضِرٍ** (нахий ҳозир) – тийилмоқ ва манъ қилмоқ феъли.

10. **إِسْمِ زَمَانٍ وَإِسْمِ مَكَانٍ** (исми замон ва исми макон) – исми замон бирор иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақти (замонни) номи, исми макон иш-ҳаракатни бажарилиши ўрнининг номи.

11. **إِسْمِ آلَتٍ** (исми олат) – феълни, иш-ҳаракатни бажариш асбоби (олати) номи.

12. **إِسْمِ تَفْضِيلٍ** (исми тафзил) – ўзгалардан ортиқроқ феълни иш-ҳаракатни бажарувчининг номи.

Юқорида баён қилинган калималарнинг шакллари ва маънолари.

1. Феъли мозий: **ضَرَبَ** – урди, бир эркак киши ўтган замонда.

2. Феъли музореъ: **يَضْرِبُ** – уради, бир эркак киши келаси замонда.

Бу ўринда **ضَرْبًا** (урмоқ) масдардир, яъни шу муштоқларнинг манбаъидир.

3. Исми фобил: **فَهُوَ ضَارِبٌ** – урувчи, бир эр киши.

4. Исми мафъул: **وَذَاكَ مَضْرُوبٌ** – урилган, зарба еган бир эр киши.

5. Феъли жаҳд: **لَمْ يَضْرِبْ** – урмади бир эр киши ўтган замонда.

6. Феъли нафий: **لَا يَضْرِبُ** – урмайди, бир киши келаси замонда.

7. Амри ҳозир: **اِضْرِبْ** – ургин сен бир эр киши, II шахс буйруқ феъли.

8. Амри ғойиб: **لِيضْرِبْ** – урсин у бир эр киши, III шахс, буйруқ феъли.

9. Наҳий ҳозир: **لا تَضْرِبْ** – урмагин сен бир эр киши (қайтариш феъли).

10. Исми замон ва макон: **مَضْرِبٌ** – урмоқ вақти ва ўрни (ўрин-пайт келишиги).

11. Исми олат: **مِضْرَابٌ** – уриш асбоби (масалан: калтак).

12. Исми тафзил: **أَضْرَبُ** – урувчироқ, яъни шерикларидан кўра феълни ортиқ бажарувчироқ.

Феъл баёни

فعل (феъл) иш-ҳаракат деганидир. Унинг бажарувчиси (эгаси) бўлиши керак. Феълнинг ижро қилувчиси унинг фоълидир. Феълнинг фоъили ёлғиз киши, икки киши ёки ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Булардан ҳар бири:

1. Мутакаллим – биринчи шахс.

2. Мухотаб – иккинчи шахс.

3. Ғойб – учинчи шахс.

Бу зикр қилинган уч шахсдан ҳар бири:

1. Музаккар (эркак жинси).

2. Муаннас (аёл жинси) бўлади.

واحد (воҳид, яъни бирлик) деб бир кишига айтилади.

تَشْبِيه (Тасния, яъни иккилик) деб икки кишига айтилади.

جَمْع (жамъ, яъни кўплик) деб иккидан ортиқ кишига айтилади.

1. **مُتَكَلِّم** (мутакаллим) деб сўзлагувчи кишини, яъни I-шахсга нисбатан айтилади.

2. مُخَاطَبٌ (мухотаб) деб сўзни тинглаувчи кишига, яъни II-шахсга нисбатан айтилади.

3. غَائِبٌ (ғоиб) деб ташқаридаги кишига, яъни III-шахсга нисбатан айтилади.

Феъли мозий (ўтган замон) маълумининг 14 сийғаси – шакли – калимаси бор. Бу 14 сийғанинг олтитаси ғоибга (III шахсга) тегишли, яна олтитаси мухотобга (II-шахсга) тегишли, қолган иккитаси мутакаллимга (I-шахсга) тегишлидир.

Ғоибга тегишли бўлган сийғанинг учтаси музаккарга (эркак жинси) ва учтаси муаннасга (аёл жинсига) тегишлидир.

Музаккарга тегишли бўлган 6 сийғанинг биттаси ضَرْبٌ бўлиб, урди, (ким?) эр киши, (қачон?) ўтган замонда, сийғаси воҳид (бирлик), музаккари ғоиб (эркак жинсига оид III-шахс), феъли мозийнинг маълуми (аниқ ўтган замон феъли).

ضَرْبًا – урдилар, икки киши, ўтган замонда, сийғаси тасния (иккилик), музаккар, ғоибайн икки нафар III-шахс) ўтган замон аниқ феъли.

ضَرْبُوا – урдилар, кўп кишилар, ўтган замонда, сийғаси жамъи музаккари ғоибин (кўплик, эркак жинсига оид III-шахслар), ўтган замон аниқ феъли.

Муаннасга қарашли бўлган уч сийғасининг биттаси ضَرْبَتْ урди, бир аёл, ўтган замонда, сийғаси, воҳидах, муаннаси ғоибаҳ (аёл жинсига оид III-шахс), ўтган замон аниқ феъли.

ضَرْبَتَا – урдилар, икки аёл киши, ўтган замонда, сийғаси тасния муаннаси ғоибатайн (аёл жинсига оид III-шахс иккилиги), ўтган замон аниқ феъли.

ضَرْبَيْنٌ – урдилар, кўп аёллар, ўтган замонда, сийғаси

жамъи муаннаси ғоибот (аёл жинсига оид III-шахс), аниқ ўтган замон феъли.

Мухотабга қарашли бўлган 6 сийғанинг учтаси музаккарга ва яна учтаси муаннасга оиддир.

Музаккарга қарашли бўлган уч сийғанинг биттаси **ضَرَبْتُ** – урдинг, сен бир эр киши, ўтган замонда, сийғаси воҳиди музаккари мухотаб (эркак жинсига оид II-шахс бирлиги), ўтган замон аниқ феъли.

ضَرَبْتُمَا – урдингизлар, сиз икки киши, ўтган замонда, сийғаси музаккари тасния (эркак жинсига оид иккилик) мухотабайн (II-шахсга оид икки киши, ўтган замон аниқ феъли).

ضَرَبْتُمْ – урдингизлар, кўп эр кишилар, ўтган замонда, сийғаси жамъ музаккари мухотабийн (эркак жинсига оид кўплик), ўтган замон аниқ феъли.

Муаннаси мухотабга қарашли бўлган уч сийғанинг бири **ضَرَبْتِ** – урдинг сен бир аёл киши, ўтган замонда, сийғаси воҳидах, муаннаси, мухотабах (аёл жинсига оид II-шахс, бирлик), ўтган замон аниқ феъли.

ضَرَبْتُمَا – урдингизлар, сизлар икки аёл киши, ўтган замонда, сийғаси таснияи муаннас, мухотабатайн (аёл жинсига оид II шахс иккилиги), ўтган замон аниқ феъли.

ضَرَبْتُنَّ – урдингизлар, сизлар кўп аёллар, ўтган замон, сийғаси жамъи муаннас, мухотабот (аёл жинсига оид II-шахс кўплиги), ўтган замон аниқ феъли.

Мутакаллимга қарашли бўлган икки сийғанинг бири **ضَرَبْتُ** – урдим мен бир эр киши ёки бир аёл, ўтган замон, сийғаси мутакаллими воҳид, муштарак (I шахс, бирлик, эркак ёки аёл жинси), ўтган замон аниқ феъли.

ضَرَبْنَا – урдик бизлар, кўп эркак кишилар ёки кўп аёллар, ўтган замонда, сийғаси мутакаллим, маъалғайр (I-

шахс, кўплик, муштарак, яъни эркак ёки аёл жинсига оид), ўтган замон аниқ феъли.

Маълум феълени мажхул қилиш йўли

Феъли мозийнинг маълумини мажхул номаълум қилишни истасанг охирининг олдиндаги ҳарфни касрала қил, мо қабли охири, яъни охиридан олдиндаги ҳар бир ҳаракатли ҳарфни заммалик қил.

Шунда ضَرَبَ – ضُرِبَ бўлади.

Масалан: ضَرَبَ – урди. ضُرِبَ – урилди.

Феъли мозийнинг мажхулининг худди маълуми каби 14 сийғаси бор: 6 таси ғоиб (III-шахс), 6 таси мухотаб (II-шахс), 2 таси мутакаллим (I-шахс).

Ғоибга тегишли сийғаларнинг 3 таси музаккарга (эркак жинсига) оид, яна 3 таси муаннасга (аёл жинсига) оид.

Музаккарга оид сийғаларнинг биринчиси:

ضُرِبَ – урилди, ул бир киши, ўтган замон, сийғаси воҳид, музаккар, ғоиб, мажхули феъли мозий.

Иккинчиси, ضُرِبَا – урилдилар, икки киши, ўтган замон, сийғаси таснийъаи музаккари ғоибайн, мажхули феъли мозий.

Учинчиси: ضُرِبُوا – урилдилар, кўп эр кишилар ўтган замонда, сийғаси жамъи музаккари ғоибийн, мажхули феъли мозий.

Муаннасга оид 3 сийғанинг биринчиси ضُرِبَتْ – урилди, бир аёл, ўтган замонда, сийғаси воҳидах, муаннаси ғоиббах, мажхули феъли мозий.

Иккинчи: ضُرِبْتَا – урилдилар, икки аёл киши, ўтган замонда сийғаси таснийъаи муаннас, ғоибатайн, мажхули

фёъли мозий.

Учинчиси: **ضُرَيْبٌ** – урилдилар, кўп аёллар, ўтган замонда, сийғаси жамъи муаннас ғойбот, мажҳули фёъли мозий.

Мухотабга тегишли бўлган 6 сийғанинг 3 таси музаккарга, 3 таси муаннасга оиддир.

Музаккари мухотабга оид бўлган 3 сийғанинг биринчиси:

ضُرَيْبٌ – урилдинг сен, бир эр киши, ўтган замонда, сийғаси воҳид, музаккар, мухотаб, мажҳули фёъли мозий.

Иккинчиси: **ضُرَيْبُمَا** – урилдинглар, икки эр киши, ўтган замонда, сийғаси таснияи музаккар, мухотабайн, мажҳули фёъли мозий.

Учинчиси: **ضُرَيْبُكُمْ** – урилдинглар сизлар, кўп эр кишилар, ўтган замонда, сийғаси жамъи музаккар, мухотабийн, мажҳули фёъли мозий.

Муаннасга оид бўлган 3 та мухотаб сийғанинг биринчиси: **ضُرَيْبٌ** – урилдинг сен бир аёл, ўтган замонда сийғаси воҳидах, муаннаси мухотабах, мажҳули фёъли мозий.

Иккинчиси: **ضُرَيْبُمَا** – урилдинглар, сизлар икки аёл, ўтган замон, сийғаси таснияи муаннас мухотобатайн, мажҳули фёъли мозий.

Учинчиси: **ضُرَيْبُكُمْ** – урилдинглар, сизлар кўп хотинлар, ўтган замонда, сийғаси жамъи муаннас, мухотабот, мажҳули фёъли мозий.

Мутакаллимга оид бўлган икки сийғанинг биринчиси:

ضُرَيْبٌ – урилдим мен, бир эр киши ёки бир аёл киши, ўтган замонда сийғаси мутакаллими воҳид, мажҳули фёъли мозий.

Иккинчиси: ضَرِينَا – урилдик, бизлар кўп эр кишилар ва ё кўп аёл кишилар, ўтган замонда, сийғаси мутакаллим, маъал ғайр, мажхули феъли мозий.

Феъли музореъ – (келаси замон феъли) баёни

Феъли музореънинг ҳам 14 сийғаси бор. 6 таси ғоиб, 6 таси мухотаб ва иккитаси мутакаллимга оиддир.

Музаккари ғоибга оид бўлган 6 сийғанинг биринчиси:

يَضْرِبُ – уради, бир эр киши, келаси замонда, сийғаси воҳид музаккар, ғоиб, маълум феъли музореъ.

Иккисиси: يَضْرِبَانِ – урадилар, икки киши келаси замонда, сийғаси таснийаи музаккар, ғоибайн, маълум феъли музореъ.

Учинчиси: يَضْرِبُونَ – урадилар, кўп эр кишилар, келаси замонда, сийғаси жамъи музаккар, ғоибийн, маълум феъли музореъ.

Муаннасга оид бўлган 3 ғоиб сийғанинг биринчиси: تَضْرِبُ – уради, у бир аёл, келаси замонда сийғаси воҳидах, муаннаси, ғообах, маълуми феъли музореъ.

Иккисиси: تَضْرِبَانِ – урадилар, ул икки аёл, келаси замонда, сийғаси таснийаи муаннаси ғоибатайн, маълум феъли музореъ.

Учинчиси: يَضْرِبْنَ – урадилар, у кўп аёллар, келаси замонда, сийғаси жамъи муаннас, ғоибот, маълум феъли, музореъ.

Мухотабга оид бўлган 6 сийғанинг 3 тасининг биринчиси: تَضْرِبُ – урасан, сен бир киши, келаси замонда, сийғаси воҳид, музаккар, мухотаб, маълум феъли музореъ.

Иккисиси: تَضْرِبَانِ – урасизлар, сизлар икки киши,

келаси замонда, сийғаси таснийаи музаккар, мухотобайн, маълум феъли музореъ.

Учинчиси: **تَضْرِبُونَ** – урасизлар, сизлар кўп эр кишилар, келаси замонда, сийғаси жамъи музаккари мухотабийн маълум феъли музореъ.

Мухотаби муаннасга оид бўлган 3 сийғанинг биринчиси: **تَضْرِبِينَ** – урасан, сен бир аёл, келаси замонда, сийғаси вохидах, муаннаси мухотабах, маълум феъли музореъ.

Иккинчиси: **تَضْرِبَانِ** – урасизлар, сизлар икки аёл, келаси замонда, сийғаси таснийаи муаннас мухото-батайн, маълуми феъли музореъ.

Учинчиси: **تَضْرِبِينَ** – урасизлар, сизлар кўп аёллар, келаси замонда, сийғаси жамъи муаннас, мухотобот, маълум феъли музореъ.

Мутакаллимга оид бўлган икки сийғанинг биринчиси: **أَضْرِبُ** – ураман мен, бир эр киши ёки бир аёл киши, келаси замонда, сийғаси мутакаллим вохид, маълум феъли музореъ.

Иккинчиси: **نَضْرِبُ** – урамиз бизлар, кўп эр кишилар ёки аёл кишилар, келаси замонда, сийғаси мутакаллим, маълуми феъли музореъ.

Музореъи феъли мажҳулининг баёни

Музореъи феъли маълумини мажҳул қилишни истасанг, эй толиби илм, охиридан олдинги ҳарфни фатҳали қилгин ва музораъат (яъни алиф нун, то, йо) ҳарфларини, заммали қилгин.

Масалан: **يَضْرِبُ** бўлса, сўнг **يَضْرِبُ** бўлади.

Музореъ феъли мажҳулининг ҳам 14 сийғаси бор. 6

таси ғоибга тегишли, яна 6 таси мухотабга тегишли, иккитаси мутакаллимга тегишлидир.

Ғоиб сийғаларнинг ҳам 6 таси музаккарга тегишли ва яна 6 таси муаннасага тегишлидир.

Музаккарга тегишли бўлган 3 ғоиб сийғанинг биринчиси: **يُضْرَبُ** – урилади, у бир эр киши, келаси замонда, сийғаси воҳид, музаккар, ғоиб, музореъ мажҳул феъли.

Иккинчиси **يُضْرَبَانِ** – уриладилар, икки эр киши, келаси замонда, сийғаси таснийаи музаккар, ғоибайн, музореъ мажҳул феъли.

Учинсиси **يُضْرَبُونَ** – уриладилар, улар кўп эр кишилар, келаси замонда, сийғаси жамъи музаккар, ғоибийн, музореъ мажҳул феъли.

Муаннаси ғойибнинг 3 сийғасининг биринчиси **تُضْرَبُ** – урилади, у бир аёл, келаси замонда, сийғаси воҳидах, муаннаси ғоиббах, музореъ мажҳул феъли.

Иккинчиси: **تُضْرَبَانِ** – уриладилар улар икки аёл келаси замонда, сийғаси таснийаи муаннас, ғоибатайн, музореъ мажҳул феъли.

Учинсиси: **يُضْرَبْنَ** – уриладилар, кўп аёллар келаси замонда, сийғаси жамъи муаннаси ғоибот, музореъ мажҳул феъли.

6 мухотаб сийғаларидан музаккарга оид 3 та сийғасининг биринчиси: **تُضْرَبُ** – уриласан, сен бир эр киши, келаси замонда сийғаси воҳид, музаккар, мухотаб, музореъ мажҳул феъли.

Иккинчиси: **تُضْرَبَانِ** – уриласизлар, сизлар икки эр киши, келаси замонда, сийғаси таснийаи музаккар, мухотабайн, музореъ мажҳул феъли.

Учинчиси: **تُضْرَبُونَ** – уриласизлар, сизлар кўп эр кишилар, келаси замон сийғаси жамъи музаккар,

мухотабийн, музореъ мажхул феъли.

Муаннасга оид 3 мухотаб сийғанинг биринчиси: **تَضْرِيْبٌ** – уриласан, сен бир аёл, келаси замонда, сийғаси воҳидах, муаннаси мухотабах музореъ мажхул феъли.

Иккинчиси: **تُضْرَبَانِ** – уриласизлар, сизлар икки аёл, келаси замонда сийғаси таснийаи муаннас, мухотабатайн, музореъ мажхул феъли.

Учинчиси: **تُضْرَبْنَ** – уриласизлар, сизлар кўп аёллар, келаси замон, сийғаси жамъи муаннас мухотобот, музореъ мажхул феъли.

Мутакаллимга оид 2 сийғанинг биринчиси: **أَضْرَبُ** – урилам, мен бир эр ёки бир аёл киши келаси замонда, сийғаси мутакаллим, воҳид, музореъ мажхул феъли.

Иккинчиси: **تُضْرَبُ** – уриламиз, бизлар кўп эрлар ёки аёллар, келаси замонда, сийғаси мутакаллими маъал ғайр, музореъ мажхул феъли.

Исми фоъил баёни

Исми фоъил сулосий мужарраддан (ҳарфи зоида кўшилмаган уч ҳарфлик феълдан) **فَاعِلٌ** вазнида келади.

Масалан: **ضَارِبٌ** ва **قَاتِلٌ** каби.

Исми фоъил сулосий мужарраддан бошқа боблардан феъли музореъи маълумининг вазнида келади. Ҳарфи музораъатнинг (яъни, алиф, нун, то, ёо ҳарфларининг) ўрнига заммалик мим келтирмоқ ҳамда охиридан олдинги ҳарфини касрала қилмоқлик билан ясалади.

Масалан: **مُدْخِرٌ** ва **مُكْرِمٌ**

Исми фоъил 6 сийғада келади: 3 таси музаккарга ва 3 таси муаннасга оиддир. Музаккарга оид 3 сийғадан биринчиси: **ضَارِبٌ** – урувчи бир эр киши, сийғаси воҳид,

музаккар, исми фоъил.

Иккинчиси: ضاربان – урувчи икки эр киши, сийғаси таснийаи музаккар, исми фоъил.

Учинчиси: ضاربان – урувчи кўп эрлар, сийғаси жамъи музаккар, исми фоъил.

Исми фоъилнинг муаннасига оид 3 сийғасидан бири: ضاربان – урувчи бир аёл, сийғаси воҳидах муаннас, исми фоъил.

Иккинчиси: ضاربان – урувчи икки аёл, сийғаси таснийаи муаннас, исми фоъил.

Учинчиси: ضاربان – урувчи кўп аёллар, сийғаси жамъи муаннас, исми фоъил.

Исми мафъул баёни

Исми мафъул сулосий мужарраддан مَفْعُول вазнида келади.

Масалан مَضْرُوبٌ ва مَقْتُولٌ. Бунда و (вов) исми мафъул белгисидир.

Исми мафъул сулосий мужарраддан бошқа боблардан музореъ феъли мажхулининг вазнида келади. Ҳарфи музораъатнинг ўрнига заммалик мим келтирмоқлик билан ва охиридан олдинги ҳарфини фатҳали қилиш билан ясалади.

Масалан: مُكْرَمٌ ва مُدْخَرٌ каби.

Исми мафъул 6 сийғада келади: 3 таси музаккар ва 3 таси муаннас.

Музаккар сийғалари

Музаккарининг 3 сийғасидан биринчиси:

مَضْرُوبٌ – урилган, бир эр киши, сийғаси воҳид, музаккар, исми мафъул.

Иккинчиси: مَضْرُوبَانٍ – урилган, икки эр киши, сийғаси таснийаи музаккар, исми мафъул.

Учинчиси: مَضْرُوبُونَ – урилган: кўп эр кишилар: сийғаси жамъи музаккар: исми мафъул.

Муаннас сийғалари

Исми мафъулнинг 3 муаннас сийғасидан:

Биринчиси: مَضْرُوبَةٌ – урилган, бир аёл киши, сийғаси воҳидах, муаннас, исми мафъул.

Иккинчиси: مَضْرُوبَاتٍ – урилган: икки аёл, сийғаси таснийаи муаннас, исми мафъул.

Учинчиси: مَضْرُوبَاتٌ – урилган, кўп аёллар, сийғаси жамъи муаннас, исми мафъул.

Феъли жаҳд баёни (Мозий, яъни ўтган замон инкори)

Феъли жаҳд маълумининг ҳам 14 сийғаси бор.

Булардан 6 таси ғоиб, яна 6 таси мухотаб ва 2 таси мутакаллимга оиддир.

Ғоиб сийғалари

Олти ғоиб сийғадан 3 таси музаккар бўлиб:

Биринчиси: لَمْ يَضْرِبْ – урмади, бир эр киши, ўтган замонда, сийғаси воҳид, музаккар, ғоиб, маълум жаҳд феъли, (ўтган замон аниқ инкор феъли).

Иккинчиси: لَمْ يَضْرِبَا – урмадилар, икки эр киши ўтган

замонда, сийғаси таснийайи музаккар, ғойбайн, маълум жаҳд феъли.

Учинчиси: **لَمْ يَضْرِبُوا** – урмадилар, кўп эрлар, ўтган замонда, сийғаси жамъи музаккар ғойбийн, маълум жаҳд феъли.

Уч муаннас ғойб сийғадан биринчиси:

لَمْ تَضْرِبْ – урмади, ул аёл киши, ўтган замонда, сийғаси воҳидах, муаннаси ғойбах, маълум жаҳд феъли.

Иккинчиси: **لَمْ تَضْرِبَا** – урмадилар, икки аёл киши, ўтган замонда, сийғаси таснийайи муаннас, ғойбатайн, маълум жаҳд феъли.

Учинчиси: **لَمْ يَضْرِبْنَ** – урмадилар, кўп аёллар, ўтган замонда, сийғаси жамъи муаннаси ғойбот, маълум жаҳд феъли.

Мухотаб сийғалари

Олти мухотаб сийғасидан 3 таси музаккар ва 3 таси муаннас сийғасидир.

Уч мухотаби музаккар сийғасидан биринчиси:

لَمْ تَضْرِبْ – урмадинг, сен бир эр киши, ўтган замонда, сийғаси воҳид, музаккари мухотаб, маълум жаҳд феъли.

Иккинчиси: **لَمْ تَضْرِبَا** – урмадинглар, сизлар икки эр киши, ўтган замонда, сийғаси таснийайи музаккари мухотабайн, маълум жаҳд феъли.

Учинчиси: **لَمْ تَضْرِبُوا** – урмадингизлар, сизлар кўп эр кишилар, ўтган замонда, сийғаси жамъи музаккари мухотабийн, маълум жаҳд феъли.

Уч мухотаби муаннас сийғаларидан биринчиси:

لَمْ تَضْرِبِي – урмадинг, сен бир аёл киши, ўтган замонда, сийғаси воҳидах муаннаси мухотабах, маълум жаҳд феъли.

Иккинчиси: لَمْ تَضْرِبَا – урмадинглар, сизлар икки аёл киши, ўтган замонда, сийғаси таснийаи муаннаси мухотабатин, маълуми феъли жаҳд.

Учинсиси: لَمْ تَضْرِبَيْن – урмадинглар, сизлар кўп аёллар, ўтган замонда, сийғаси жамъи муаннаси мухотабот, маълуми феъли жаҳд.

Мутакаллим сийғалари

Икки мутакаллим сийғаларидан биринчиси: لَمْ أَضْرِبْ – урмадим, мен бир эр киши ёки бир аёл киши, ўтган замонда, сийғаси мутакаллими воҳид, маълуми феъли жаҳд.

Иккинчиси: لَمْ نَضْرِبْ – урмадик бизлар, кўп эр кишилар ёки кўп аёл кишилар, ўтган замонда, сийғаси мутакаллим маъал ғайр, маълуми феъли жаҳд.

Жаҳд феълени мажхул қилиш йўли

Жаҳд маълум феълени мажхул қилишни истасанг, охиридан олдинги ҳарфини фатҳали қил ва музораъат ҳарфини заммалик қил.

Масалан, لَمْ يَضْرِبْ бўлса, لَمْ يُضْرِبْ бўлади.

Феъли жаҳднинг мажхулини ҳам 14 сийғаси бор: 6 таси ғоиб, 6 таси мухотаб ва 2 таси мутакаллимдир.

Ғоиб сийғалар

لَمْ يُضْرِبْ – урилмади, у бир киши, ўтган замонда, сийғаси воҳид, музаккар, ғоиб мажхули феъли жаҳд.

لَمْ يُضْرِبَا – урилмадилар, у икки киши, ўтган замонда,

сийғаси таснийаи музаккар, ғоибайн, мажхули феъли жаҳд.

لَمْ يُضْرَبُوا – урилмадилар, улар кўп эрлар, ўтган замонда,

сийғаси жамъи музаккар, ғоибийн, мажхули феъли жаҳд.

لَمْ تُضْرَبْ – урилмади, у бир аёл, ўтган замонда, сийғаси

воҳидах, муаннаси ғоиббах, мажхули феъли жаҳд.

لَمْ تُضْرَبَا – урилмадилар, у икки аёл, ўтган замонда,

сийғаси таснийаи муаннас, ғоибатайн, мажхули феъли жаҳд.

لَمْ يُضْرَبْنَ – урилмадилар, кўп аёллар, ўтган замонда,

сийғаси жамъи муаннаси ғоибот, мажхули феъли жаҳд.

Мухотаб сийғалари

لَمْ تُضْرَبْ – урилмадинг, сен бир эр киши, ўтган замонда,

сийғаси воҳид, музаккар, мухотаб, мажхули феъли жаҳд.

لَمْ تُضْرَبَا – урилмадинглар, сизлар икки эр киши, ўтган

замонда, сийғаси таснийаи музаккар, мухотабайн, мажхули феъли жаҳд.

لَمْ تُضْرَبُوا – урилмадинглар, сизлар кўп эр кишилар, ўтган

замонда, сийғаси жамъи музаккари мухотобийн, мажхули феъли жаҳд.

لَمْ تُضْرَبِي – урилмадинг, сен бир аёл киши, ўтган замонда,

сийғаси воҳидах муаннас, мухотабах, мажхули феъли жаҳд.

لَمْ تُضْرَبَا – урилмадинглар, сизлар икки аёл киши, ўтган

замонда, сийғаси, таснийаи муаннас, мухотабатайн, мажхули феъли жаҳд.

لَمْ تُضْرَبْنَ – урилмадинглар сизлар кўп аёллар, ўтган

замонда, сийғаси жамъи муаннаси мухотабот, мажхули феъли жаҳд.

Мутакаллим сийғалари

مَ أُضْرِبُ – урилмадим, мен бир эр киши ёки бир аёл киши, ўтган замонда, сийғаси мутакаллими воҳид, мажҳули феъли жаҳд.

مَ نُضْرِبُ – урилмадик, бизлар кўп эрлар ва ё кўп аёллар, ўтган замонда, сийғаси мутакаллим маъал ғайр, мажҳули феъли жаҳд.

Феъли нафийнинг баёни

Феъли нафийнинг ҳам 14 сийғаси бордир. 6 таси ғоиб, 6 таси мухотаб, 2 таси мутакаллимдир.

Ғоиб сийғалари

لا يَضْرِبُ – урмайди, у бир эр киши, келаси замонда, сийғаси воҳид, музаккар, ғоиб, маълуми феъли нафий.

لا يَضْرِبَانِ – урмайдилар, улар икки эр киши, келаси замонда, сийғаси таснийаи музаккари ғоибайн, маълуми феъли нафий.

لا يَضْرِبُونَ – урмайдилар, улар кўп эр кишилар, келаси замонда, сийғаси, жамъи музаккари ғоибин, маълуми феъли нафий.

لا تَضْرِبُ – урмайди, ул бир аёл, келаси замонда, сийғаси воҳидах муаннаси, ғоибах, маълуми феъли нафий.

لا تَضْرِبَانِ – урмайдилар, улар икки аёл, келаси замонда, сийғаси таснийаи муаннаси ғоибатайн, маълуми феъли нафий.

لا يَضْرِبْنَ – урмайдилар, улар кўп аёллар, келаси замонда,

сийғаси жамъи муаннаси ғоибот, маълуми феъли нафий.

Мухотаб сийгалари

لا تَضْرِبُ – урмайсан, сен бир эр киши, келаси замонда, сийғаси воҳид, музаккар, мухотаб, маълуми феъли нафий.

لا تَضْرِبَانِ – урмайсизлар, сизлар икки эр киши, келаси замонда сийғаси таснийаи мухотабайн, маълуми феъли нафий.

لا تَضْرِبُونَ – урмайсизлар, сизлар кўп эр кишилар, келаси замонда, сийғаси жамъи музаккари мухотобийн, маълуми феъли нафий.

لا تَضْرِبِينَ – урмайсан сен бир аёл, келаси замонда, сийғаси муаннаси воҳидаҳ мухотабах, маълуми феъли нафий.

لا تَضْرِبَانِ – урмайсизлар, сизлар икки аёл, келаси замонда, сийғаси таснийаи муаннаси мухотабатайн, маълуми феъли нафий.

لا تَضْرِبُونَ – урмайсизлар, сизлар кўп аёллар, келаси замонда, сийғаси жамъи муаннаси мухотабот, маълуми феъли нафий.

Мутакаллим сийгалари

لا أَضْرِبُ – урмайман мен бир эр киши ёки бир аёл киши, келаси замонда, сийғаси мутакаллим воҳид, маълуми феъли нафий.

لا تَضْرِبُ – урмаймиз, бизлар кўп эр кишилар, ёки кўп аёл кишилар, келаси замонда, сийғаси мутакаллими маъал ғайр, маълуми феъли нафий.

Маълуми феъли нафийни мажхул қилиш йўли

Маълуми феъли нафийни мажхул қилишни истасанг, охиргисидан олдинги ҳарфини фатҳали қил ва ҳарфи музораъатни заммалик қил.

Масалан: لا يُضْرَبُ – لا يَضْرَبُ бўлмоғи керак.

Феъли нафийнинг мажхулининг ҳам 14 сийғаси бор. 6 таси ғоиб бўлиб, 6 таси мухотаб ва 2 таси мутакалиммга оиддир.

Ғоиб сийғалари

لا يُضْرَبُ – урилмайди у бир эр киши: келаси замон сийғаси воҳид, музаккар, ғоиб, мажхули феъли нафий.

لا يُضْرَبَانِ – урилмайдилар, икки эр киши, келаси замонда, сийғаси таснийаи музаккар, ғоибайн, мажхули феъли нафий.

لا يُضْرَبُونَ – урилмайдилар, кўп эр кишилар, келаси замон, сийғаси жамъи музаккари ғоибин, мажхули феъли нафий.

لا تُضْرَبُ – урилмайди, у бир аёл, келаси замонда, сийғаси воҳидаи муаннас, ғообаҳ, мажхули феъли нафий.

لا تُضْرَبَانِ – урилмайдилар, икки аёл киши: келаси замонда, сийғаси таснийаи муаннас, ғоибатайн, мажхули феъли нафий.

لا يُضْرَبْنَ – урилмайдилар, кўп аёллар, келаси замонда, сийғаси жамъи муаннас ғоибот, мажхули феъли нафий.

Мухотаб сийғалари

لا تُضْرَبُ – урилмайсан, сен бир эр киши, келаси

замонда, сийғаси воҳиди музаккар, мухотаб, мажҳули феъли нафий.

لا تُضْرَبَانِ – урилмайсизлар, сизлар икки эр киши, келаси замонда, сийғаси таснийаи музаккар, мухотабайн, мажҳули феъли нафий.

لا تُضْرَبُونَ – урилмайсизлар, сизлар кўп эрлар, келаси замонда, сийғаси жамъи музаккари мухотабийн, мажҳули феъли нафий.

لا تُضْرَبِينَ – урилмайсан, сен бир аёл, келаси замонда, сийғаси воҳидах, муаннаси мухотабах, мажҳули феъли нафий.

لا تُضْرَبَانِ – урилмайсизлар, сизлар икки аёл, келаси замонда, сийғаси таснийаи муаннаси мухотабатайн, мажҳули феъли нафий.

لا تُضْرَبِينَ – урилмайсизлар, сизлар кўп аёллар, келаси замонда, сийғаси жамъи муаннаси мухотабот, мажҳули феъли нафий.

Мутакаллим сийғалари

لا أُضْرَبُ – урилмайман мен бир эр киши ёки бир аёл киши, келаси замонда, сийғаси мутакаллим воҳид, мажҳули феъли нафий.

لا تُضْرَبُ – урилмаймиз, бизлар кўп эрлар ёки кўп аёллар, келаси замонда, сийғаси мутакаллими маъал ғайр, мажҳули феъли нафий.

Феъли амр (буйрук феъли)нинг баёни

Амр (буйрук) икки қисмдир:

1) «лом»сиз амр ва 2) «лом»лик амр.

«Лом»сиз амрни феъли музореъи мухотаби маълумнинг олти сийғасидан икки йўл билан олинади.

Биринчи йўл шуки, калиманинг охирига назар ташланади, агар калиманинг охирги ҳарфи саҳиҳ бўлса, сокин (сукунли) қилинади.

Масалан: **عَلِمَ** ва **صِرَبٌ** каби.

Ва агар охиргидан олдинги ҳарф ҳарфи иллат бўлса, уни ташланади.

Масалан: **ع** ва **قُل** га ўхшаш. Ва агар калиманинг охири идғомлик бўлса ўз ҳолига қўйилади. Заммадан фатҳага ўтилади. Ҳаракатлар ичида фатҳа енгилроқ бўлгани учун заммани ташлаб, фатҳага ўтилади. **دُ** ва **فِر** га ўхшаш.

Ва агар сийғаси **يَفْعُلُ** каби «айн»и заммалик бобидан бўлса унинг охирини тўрт хил ўқиш мумкин.

1) замма; 2) фатҳа; 3) касра; 4) сукун, идғомни ечгандан кейин, сукун ўқилади.

Масалан: 1) **شُدُّ** 2) **شُدَّ** 3) **شِدِّ** ва идғомни ечгандан кейин 4) **أَشْدُدُ** ўқилади.

Ва агар сийға **يَفْعُلُ** «айн»и заммалик бобидан бошқа бўлса, унинг охирини уч хил ўқиш дурустдир.

1) фатҳа; 2) касра ва идғомни ечгандан кейин; 3) сукун.

Масалан: **فِرٌّ، فِرٌّ، أَفِرُّ،**

Ва агар калиманинг охири сукунлик ҳарфи иллат бўлса, уни олиб ташланади.

Масалан **اِخْشَ** ва **أَدْغُ** ва **اِزْمُ** каби.

Иккинчи йўл шуки, ҳарфи музораъат бўлган то (ت) ҳарфини олиб ташланади. Ундан кейинги ҳарфи музораъатнинг ёнида бўлган ҳарфга қаралади. Агар ҳарфи музораъатнинг ёнидаги ҳарф ҳаракатли бўлса, амр (буйрук)

тугайди.

Масалан: فُلٌ ва بَغٌ каби. Агар ҳарфи музораъатга яқин турган ҳарф сокин (сукунли бўлса) «айн» бобига қаралади. Агар сийға يَفْعُلٌ «айн» заммалик бобидан бўлса, унинг аввалига заммалик ҳамзаи васлийани келтирилади. Масалан: اُنْضُرُ ва اُقْتُلْ каби. Ва агар «айн»и заммалик бобидан бўлмаса, яъни фатҳалик ва касралик бўлса унинг аввалига ҳамзаи васлийаи максурани келтирилади.

Масалан اِضْرِبْ ва اِعْلَمْ каби. Агар сийға اَفْعَلْ бобидан бўлса, унинг аввалига ҳамзаи мафтӯхаи соқитани келтиради. Ҳарфи музораъатнинг ёнидаги ҳарф хоҳ ҳаракали бўлсин, хоҳ сокин бўлсин, амр (буйруқ) тамом бўлади. Масалан, اَكْرِمْ ва اَمْ каби.

Ломсиз амр олти сийғада келади: 3 таси музаккар ва 3 таси муаннас.

اِضْرِبْ – ургин, сен бир киши, сийғаси воҳид музаккар, амри бе «лом» (яъни «лом»сиз буйруқ феъли).

اِضْرِبَا – уринглар, сизлар икки эр киши сийғаси таснийаи музаккар, амри бе «лом».

اِضْرِبُوا – уринглар сизлар кўп эр кишилар, сийғаси жамъи музаккар, амри бе «лом».

اِضْرِبِي – ургин сен бир аёл, сийғаси воҳидах муаннас, амри бе «лом».

اِضْرِبَا – уринглар, сизлар икки аёл киши, сийғаси таснийаи муаннас, амри бе «лом».

اِضْرِبْنَ – уринглар, сизлар кўп аёллар, сийғаси жамъи муаннас, амри бе «лом».

Амри ғоиб ёки амри бо «лом», яъни III шахсга оид «лом»лик буйруқ феъли.

«Лом»лик амр («лом»лик буйруқ феъли) феъли

музореъи маълумнинг олти ғоиб сийғаларидан ҳамда икки мутакаллим сийғасидан биринчи йўл билан олинади. Феъли музореънинг аввалига касрали «лом»ни келтиргандан кейин амри бо «лом» (ломлик амр) ҳосил бўлади.

Масалан **لَيَضْرِبُ** ва **لَيُعَلِّمُ** каби. Амри бо «лом» 8 сийғада келади: олтитаси ғоиб, иккитаси мутакаллим.

Ғоиб сийғалари

لَيَضْرِبُ – урсин, у бир эр киши, сийғаси воҳид, музаккар, ғоиб, маълуми амри бо «лом».

لَيَضْرِبَا – урсинлар, улар икки эр киши, сийғаси таснийан музаккар, ғоибайн, маълуми амри бо «лом».

لَيَضْرِبُوا – урсинлар улар кўп эр кишилар, сийғаси жамъи музаккар, ғоибийн, маълуми амри бо «лом».

لَتَضْرِبُ – урсин, ул бир аёл, сийғаси воҳидах, муаннаси ғоиббах, маълуми амри бо «лом».

لَتَضْرِبَا – урсинлар, улар икки аёл, сийғаси таснийан муаннаси ғоибатайн, маълуми амри бо «лом»

لَيَضْرِبُنَّ – урсинлар, улар кўп аёллар, сийғаси жамъи муаннаси ғоибот, маълуми амри бо «лом».

Мутакаллим сийғалари

لَاَضْرِبُ – урайин, мен бир эр киши ёки бир аёл киши сийғаси мутакаллими воҳид, маълуми амри бо «лом».

لَتَضْرِبُ – урайлик бизлар кўп эр кишилар ёки кўп аёл кишилар, сийғаси мутакаллими маъал ғойр, маълуми амри бо «лом».

Амри ғоибни ёки амри бо «лом»ни мажхул қилиш йўли

Маълуми амри ғоибни (ёки амри бо «лом»ни) мажҳул қилишни истасанг, охиргидан олдинги ҳарфни фатҳали қил ва ҳарфи музораъатни заммалик қил.

Масалан, لِيضْرِبْ – لِيضْرِبْ бўлади.

Амри ғоиб (ёки амри бо «лом»)нинг мажҳулини 14 сийғаси бор: 6 таси ғоиб, 6 таси мухотаб ва 2 таси мутакаллимдир.

Мухотабнинг 6 сийғасини ғоибнинг 6 сийғасидан олдин амри ғоибнинг мажҳулида айтилади.

Мухотаб сийғалари

لِيضْرِبْ – урилгин, сен бир эр киши, сийғаси воҳид, музаккар, мухотаб, амр ғоиб мажҳули.

لِيضْرِبَا – урилинглар, сизлар икки эр киши, сийғаси таснийай музаккар, мухотабайн, амр ғоиб мажҳули.

لِيضْرِبُوا – урилинглар, сизлар кўп эр кишилар, сийғаси жамъи музаккари мухотабийн, амр ғоиб мажҳули.

لِيضْرِبِيْ – урилгин, сен бир аёл киши, сийғаси воҳидаи муаннас, мухотабах, амр ғоиб мажҳули.

لِيضْرِبَايَا – урилинглар, сизлар икки аёл киши, сийғаси таснийай муаннас, мухотабатайн, амр ғоиб мажҳули.

لِيضْرِبُوْنَ – урилинглар, сизлар кўп аёллар сийғаси жамъи муаннаси мухотабот, амр ғоиб мажҳули.

Ғоиб сийғалари

لِيضْرِبْ – урилсин, у бир эр киши, сийғаси воҳид музаккар, ғоиб, амр ғоиб мажҳули.

لِيضْرِبَا – урилсинлар, улар икки эр киши сийғаси

таснийаи музаккар, ғоибайн амр ғоиб мажҳули.

لِيُضْرَبُوا – урилсинлар, улар кўп эрлар, сийғаси жамъи музаккари ғоибийн, амр ғоиб мажҳули.

لِيُضْرَبَ – урилсин, ул бир аёл киши, сийғаси муаннаси воҳидаи ғоиба, амр ғоиб мажҳули.

لِيُضْرَبَا – урилсинлар, улар икки аёл, сийғаси таснийаи муаннас, ғоибатайн, амр ғоиб мажҳули.

لِيُضْرَبْنَ – урилсинлар, улар кўп аёллар, сийғаси жамъи муаннаси ғоибот, амр ғоиб мажҳули.

لَأُضْرَبَ – урилайн мен бир эркак ё бир аёл сийғаси мутакаллим воҳид амр ғоиб мажҳул.

لِيُضْرَبَ – урилайлик, бизлар кўп эрлар ёки кўп аёллар, сийғаси мутакаллими маъал ғайр, мажҳули амри ғоиб.

Феъли наҳий ҳозир баёни

Феъли наҳий ҳозирнинг ҳам 14 сийғаси бордир:

6 таси мухотаб, 6 таси ғоиб, 2 таси мутакаллим.

Мухотаб сийғалари

لَا تُضْرَبُ – урмагин, сен бир эр киши, сийғаси воҳиди музаккари мухотаб, маълуми феъли наҳий.

لَا تُضْرَبَا – урманглар, сизлар икки эр киши, сийғаси таснийаи музаккар мухотабайн, маълуми феъли наҳий.

لَا تُضْرَبُوا – урмангизлар, сизлар кўп эр кишилар, сийғаси жамъи музаккар, мухотабийн, маълуми феъли наҳий.

لَا تُضْرَبِي – урмагин, сен бир аёл, сийғаси воҳидаи муаннаси мухотаба, маълуми феъли наҳий.

لَا تُضْرَبَا – урмангиз, сизлар икки аёл киши, сийғаси таснийаи муаннас мухотабатайн, маълуми феъли наҳий.

لا تَضْرِبَنَّ – урмангизлар, сизлар кўп аёллар, сийғаси жамъи муаннаси мухотабот. Маълуми феъли наҳий.

Ғоиб сийғлари

لا يَضْرِبُ – урмасин у бир эр киши, сийғаси воҳид, музаккари ғоиб, маълуми феъли наҳий.

لا يَضْرِبَا – урмасинлар, улар икки эр, сийғаси таснийаи музаккар, ғоибайн, маълуми феъли наҳий.

لا يَضْرِبُوا – урмасинлар, улар кўп эр кишилар, сийғаси жамъи музаккари ғоибийн, маълуми феъли наҳий.

لا تَضْرِبُ – урмасин, у бир аёл, сийғаси воҳидах муаннас ғоибх, маълуми феъли наҳий.

لا تَضْرِبَا – урмасинлар, улар икки аёл киши, сийғаси таснийаи муаннас, ғоибатайн, маълуми феъли наҳий.

لا يَضْرِبَنَّ – урмасинлар, улар кўп аёллар, сийғаси жамъи муаннаси ғоибот, маълуми феъли наҳий.

Мутакаллим сийғалари

لا أَضْرِبُ – урмайин мен бир эр ёки бир аёл киши, сийғаси мутакаллими воҳид, маълуми феъли наҳий.

لا نَضْرِبُ – урмайлик, бизлар кўп эр кишилар ёки кўп аёллар, сийғаси мутакаллими маъал ғойр, маълуми феъли наҳий.

Феъли наҳий маълумини мажхул қилиш йўли

Феъли наҳий маълумини мажхул қилишни истасанг, охиридан олдинги харфини фатҳали қил ва харфи музораъатни заммалик қил.

Масалан: لا تُضْرَبُ – маълуми шаклида мажҳул бўлади.

Феъли наҳий мажҳулининг ҳам 14 сийғаси бор:
6 таси мухотаб, 6 таси ғоиб, 2 таси мутакаллим.

Мухотаб сийғалари

لا تُضْرَبُ – урилмагин сен бир киши, сийғаси воҳид музаккар, мухотаб, мажҳули феъли наҳий.

لا تُضْرَبَا – урилмангиз, сизлар икки эр киши, сийғаси таснийаи музаккари мухотабайн, мажҳули феъли наҳий.

لا تُضْرَبُوا – урилманглар, сизлар кўп эрлар, сийғаси жамъи музаккари мухотабийн, мажҳули феъли наҳий.

لا تُضْرَبِي – урилмагин, сен бир аёл, сийғаси воҳидаҳ, муаннаси мухотабаҳ, мажҳули феъли наҳий.

لا تُضْرَبَا – урилманглар, сизлар икки аёл киши, сийғаси таснийаи муаннаси мухотабатайн, мажҳули феъли наҳий.

لا تُضْرَبْنَ – урилмангизлар, сизлар кўп аёллар, сийғаси жамъи муаннаси мухотабот, мажҳули феъли наҳий.

Ғоиб сийғалари

لا يُضْرَبُ – урилмасин, у бир эр киши, сийғаси воҳид, музаккар, ғоиб, мажҳули феъли наҳий.

لا يُضْرَبَا – урилмасинлар, улар икки эр киши, сийғаси таснийаи музаккар, ғоибайн, мажҳули феъли наҳий.

لا يُضْرَبُوا – урилмасинлар, улар кўп эр кишилар, сийғаси жамъи музаккари ғоибийн, мажҳули феъли наҳий.

لا تُضْرَبُ – урилмасин, у бир аёл, сийғаси воҳидаи муаннаси ғоиббах, мажҳули феъли наҳий.

لا تُضْرَبَا – урилмасинлар, улар икки аёл, сийғаси таснийаи муаннаси ғоибатайн, мажхули феъли наҳий.

لا يُضْرَبَنَّ – урилмасинлар, улар кўп аёллар, сийғаси жамъи муаннаси ғоибот, мажхули феъли наҳий.

Мутакаллим сийғалари

لا أُضْرَبُ – урилмайин, мен бир эр ёки бир аёл киши, сийғаси мутакаллим воҳид, мажхули феъли наҳий.

لا تُضْرَبُ – урилмайлик, бизлар кўп эрлар ёки аёллар, сийғаси мутакаллим маъал ғайр, мажхули феъли наҳий.

Исми замон ва макон (ўрин-пайт келишиги) баёни

اسم زمان واسم مكان сулосий мужарраддан (яъни, уч харфлик феълдан) ва يُفْعَلُ «айн»и касралик бўлган феъллардан ҳамда мисол феъли хоҳ «вов»лик бўлсин, хоҳ «йо»лик бўлсин مَفْعَل «айн»и касралик вазнида келади.

Масалан: مَضْرَبٌ ва مَوْعِدٌ ва مَيْسِرٌ каби.

يُفْعَلُ бобидан бошқа бобларда ҳамда ноқис феълидан хоҳ «вов»лик бўлсин хоҳ «йо»лик бўлсин مَفْعَل («ъайн»и фатҳалик) вазнида келади.

Масалан: مَفْتُلٌ ва مَرْمِيٌّ ва مَدْعَىٌ каби.

Сулосий мужарраддан бошқа бобларда исми мафъулнинг вазнида келади.

Масалан: مُكْرِمٌ ва مُدْحَرَجٌ каби. اسم زمان ва اسم مكان уч сийғада келади:

مَضْرِبٌ – урадиган бир ўрин ва урадиган бир пайт;
сийғаси воҳид, исми замон ва макон (ўрин-пайт келишиги).

مَضْرِبَانِ – урадиган икки ўрин ҳамда урадиган икки
пайт (урадиган икки ўрин-пайт), сийғаси таснийя исми
замон ва исми макон.

مَضَارِبٌ – урадиган кўп ўринлар ёки кўп вақтлар,
сийғаси жамъ, исми замон ва исми макон.

«Мим»лик масдар баёни

«Мим»лик масдар сулосий мужарраддан مُفْعَلٌ вазнида
келади, «айн»и фатҳали бўлади.

Масалан, مَنْصَرٌّ ва مَعْلَمٌ ва مَضْرَبٌ каби.

Сулосий мужарраддан бошқа бобларда исми
мафъулнинг вазнида муштарак келади.

Масалан: مُكْرَمٌ ва مُدْخَرَجٌ ва مُتَدَخَرَجٌ каби.

Исми олат баёни

(яъни, иш-ҳаракатни бажариш асбоби)

Исми олат сулосий мужарраддан مُفْعَلٌ ва مِفْعَالٌ ва مِفْعَلَةٌ
вазнида келади.

Масалан: مِسْطَرٌّ ва مِفْتَاخٌ ва مِكْنَسَةٌ каби.

Исми олат уч сийғада келади: مَضْرَابٌ – урадиган бир
رَامُونَ аслида رَامِيُونَ эди, ғиға замма оғир бўлгани учун ғиға заммасини моқаблига бердик. Ҳаракатини ташлагандан кейин رَامِيُونَ бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди, ғиға билан вов орасида ғиға ни ҳазф қилдик. رَامُونَ бўлди.

Исми мафъул

مَرْمِيٌّ، مَرْمِيَانِ، مَرْمِيُونَ، مَرْمِيَّةٌ، مَرْمِيَّاتٍ، مَرْمِيَّاتٌ

مَرْمِيٌّ аслида مَرْمِيُونَ эди. "Вов" билан "йо" бир калимада жамъ бўлди. аввалгиси сокин кейингиси мутаҳаррик. Вов ни ғиға қалб қилдик. مَرْمِيٌّ бўлиб шарти идғом топилди. Аввалги ғиға иккинчи ғиға идғом қилдик. مَرْمِيٌّ бўлди. ғиға ни маҳзуфага далолат қилсин деб моқаблига касра бердик. مَرْمِيٌّ бўлди. Қолган барча сийғалари шу тариқадир.

Қоида

Вов билан ғиға бир калимада жамъ бўлиб, аввалгиси сокин бўлса, вовни ғиға қалб қилинади.

Ушбу қоидани амал қилишида тўрт шарт бор.

Биринчи шарт, икки ҳарф бошқа ҳарфлардан бадал бўлмасин. **كَابِيٌّ** каби. Бу иккиласида вов алифдан йо бўлса, вовдан бадал бўлгандир.

Иккинчи шарт, **كَاغُلٌ** вазнида бўлмасин. **كَايَوْمٌ** каби. – **كَايَوْمٌ** ойнинг охирги куни. Узун ва қаттиқ деган маъно бор.

Учинчи шарт, алам, яъни атоқли от бўлмасин. **كَايَوْمٌ** каби. Бировнинг номи.

Тўртинчи шарт, калимадаги ғиға тасғир ғиға бўлмасин.

كجذئول каби кичкина арик.

سؤير аслида سؤير эди. Алиф вовга қалб қилинган эълоли келади. ذؤوان аслида ذؤوان эди, вовни يга қалб қилингандир.

Жаҳд маълум феъли

لم يرم، لم يرميا، لم يرموا، لم ترم، لم ترميا، لم ترموا، لم ترمي، لم ترميا لم ترمين، لم أرم، لم أرم

ي аслида يرموا эди. га замма оғир бўлгани учун моқаблига бердик. Уни ҳаракатини ташлагандан кейин يرموا бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. ي билан вов орасида يни ҳазф қилдик يرموا бўлди. ترموا ҳам шунга ўхшаш.

ي аслида يرمي эди. га касра оғир бўлгани учун уни ташладик. бўлиб ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. икки ي орасида аввалги يни ҳазф қилдик يرمي бўлди.

Ушбу беш сийғаларда: ғоиб, ғоиба, мухотаб ва икки мутакаллимда лом баробаридаги феъли жаҳдни лами билан кетди. Ва уч сийғада ғоибин, мухотабин, мухотабаларда ломи феъл эълол қоидаси билан кетди. қолган олти сийғаси: тўрт тасния, ғоибот, мухотабот, ўз аслидадир.

Жаҳд мажҳул феъли

لم يرم، لم يرميا، لم يرموا، لم ترم، لم ترميا، لم ترموا، لم ترمي، لم ترميا، لم ترمين، لم أرم، لم أرم

يَ اслиدا لَمْ يُرْمُوا لَمْ يُرْمُوا مутахаррик моқабли мафтух бўлгани учун ىни алифга қалб қилдик. لَمْ يُرْمَاوْ бўлиб, ижтимои сокинайн бўлди. Вов билан алиф орасида алифни ҳазф қилдик, لَمْ يُرْمُوا бўлди. لَمْ تُرْمُوا ҳам шунга ўхшаш.

يَ аслида لَمْ تُرْمِيْ اслида ى мутахаррик моқабли мафтух бўлгани учун ىни алифга қалб қилдик. لَمْ تُرْمَائِ бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Алифни ҳазф қилдик, لَمْ تُرْمِيْ бўлди. Ломи феъл «лам» билан кетган сийғалар ва эълол билан кетган сийғалар ҳам ўз аслида. Қолган сийғалар маълумда баён қилинди.

Нафий маълум феъли

لا يُرْمِي، لا يُرْمِيَانِ، لا يُرْمَوْنَ، لا تُرْمِي، لا تُرْمِيَانِ، لا تُرْمَوْنَ، لا تُرْمِيْنَ، لا تُرْمِيَانِ، لا تُرْمَوْنَ، لا تُرْمِيْنَ، لا تُرْمِيَانِ، لا تُرْمَوْنَ، لا تُرْمِيْنَ، لا تُرْمِيَانِ، لا تُرْمَوْنَ، لا تُرْمِيْنَ

Беш сийғада таскини фақат коидаси бор. لا يُرْمِي аслида ىга замма оғир бўлгани учун ىни заммасини ташладик. لا يُرْمِي бўлди. Уч сийғада эълол бор.

Нафий мажхул феъли

لا يُرْمِي، لا يُرْمِيَانِ، لا يُرْمَوْنَ، لا تُرْمِي، لا تُرْمِيَانِ، لا تُرْمَوْنَ، لا تُرْمِيْنَ، لا تُرْمِيَانِ، لا تُرْمَوْنَ، لا تُرْمِيْنَ، لا تُرْمِيَانِ، لا تُرْمَوْنَ، لا تُرْمِيْنَ، لا تُرْمِيَانِ، لا تُرْمَوْنَ، لا تُرْمِيْنَ

يَ аслида لَمْ يُرْمِيْ аслида ى мутахаррик моқабли мафтух бўлгани учун ىни алифга қалб қилдик. لَمْ يُرْمِيْ бўлди. Беш сийғада шундай баёни музореъда ўтди. Уч сийғада эълол

бор. Бу ҳам қайси сийғаларда экани айтиб ўтилди. Феъли нафий феъли музореъдек сарфда ҳам ҳазфда ҳам.

Амри ҳозир

اِزْمُ، اِرْمِيَا، اِرْمُوا، اِرْمِي، اِرْمِيَا، اِرْمِيْنَ

اِزْمُ ни تَرْمِي мухотаб сийғасидан олинади. Охирига қарадик. ي Ҳарфи иллат ани туширдик تَرْمُ бўлди. Ҳарфи музораат бўлган "то"ни ташладик. Ундан кейинги ҳарф сокин экан, сукунли ҳарф билан сўз бошлаш мумкин эмас. Айн феълига қарадик. У касрали экан, аввалига касрали ҳамза келтирдик اِزْمُ бўлди. Нунни таъкиди хафифа билан: اِرْمُنُ бўлади.

اِرْمِيَانَّ، اِرْمِيَانَّ، اِرْمِنَّ، اِرْمُنَّ، اِرْمِيَانَّ، اِرْمِيَانَّ، اِرْمِيَانَّ

Амр ғоибнинг маълуми

لِئْرْمُ، لِرْمِيَا، لِرْمُوا، لِرْمُ، لِرْمِيَا، لِرْمِيْنَ، لَأْرْمُ، لِرْمُ

Тўрт сийғада ломи феъл амри ғоибни ломи билан кетди. Бир сийғада эълол билан кетди.

Амр ғоибнинг мажҳули

لِرْمُ، لِرْمِيَا، لِرْمُوا، لِرْمِي، لِرْمِيَا، لِرْمِيْنَ، لِرْمُ، لِرْمِيَا، لِرْمِيَا، لِرْمِيْنَ، لَأْرْمُ، لِرْمُ

Бунда ҳам беш сийғада ломи феълни амри ғоибни ломи кетказди. Уч сийғада ломи феъл эълол билан кетди. Аслида амри ғоибни маълуми ва мажҳули феъли жаҳднинг маълум ва мажҳулига ўхшашдир. Феъли жаҳдни яхши

билиб, кейингиларини шунга таққослаш керак.

Нахий ҳозирнинг маълуми

لا تُرْمِ، لا تُرْمِيَا، لا تُرْمُوا، لا تُرْمِي، لا تُرْمِيَا، لا تُرْمِيَنَّ، لا يُرْمِ، لا يُرْمِيَا، لا يُرْمُوا، لا تُرْمِ، لا تُرْمِيَا، لا يُرْمِيَنَّ، لا أُرْمِ، لا تُرْمِ

Беш сийғада ломи феъл ломи нахий ҳозир билан кетди, уч сийғада эълол билан кетди. Нахий ҳозирнинг маълум ва мажҳули феъли жаҳднинг маълум ва мажҳулига ўхшашдир.

Феъли нахийнинг мажҳули

لا تُرْمِ، لا تُرْمِيَا، لا تُرْمُوا، لا تُرْمِي، لا تُرْمِيَا، لا تُرْمِيَنَّ، لا يُرْمِ، لا يُرْمِيَا، لا يُرْمُوا، لا تُرْمِ، لا تُرْمِيَا، لا يُرْمِيَنَّ، لا أُرْمِ، لا تُرْمِ

Беш сийғада ломи феъл ломи нахий билан кетди. Уч сийғада эълол билан кетди.

Исми замон ва макон

مَرْمِيٍّ، مَرْمِيَانٍ، مَرَامٍ

مَرْمِيٍّ аслида مَرْمِيٍّ эди. ي ҳаракатли олди фатҳали бўлгани учун ي ни алифга қалб қилдик. مَرْمِيَانٍ бўлиб, ижтимои сокинани ҳосил бўлди. Алиф билан танвин орасида алифни ҳазф қилдик, مَرْمِيٍّ бўлди.

Исми олат

مِرْمِي، مِرْمِيَان، مِرَام

مِرَام аслида مِرَامِي эди. Замма ي га оғир бўлгани учун ي ни заммасини ташладик. مِرَامِيْن бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. ي билан танвин орасида ي ни ҳазф қилдик, مِرَام бўлди.

Исми олат яна مِرْمَاء، مِرْمَان، مِرَامِيْ، келур. مِرْمَاء аслида مِرْمَائِي - مِفْعَال вазнида келур. Бу ерда ي келди. Алифи зоидадан кейин ي ни ҳамзага қалб қилдик, مِرْمَاء бўлди.

Исми тафзил

أَرْمِي، أَرْمِيَان، أَرْمُون، رُمِي، رُمِيَان، رُمِيَات

أَرْمِي аслида أَرْمِيْ эди. ي мутаҳаррик моқобли мафтуҳ бўлгани учун ي ни алифга қалб қилдик, أَرْمِي бўлди.

Бу бобнинг лафифига мисол

رَوِي - رَوِيْ ва رَوِيَّة масдарбўлиб, маъноси: сўз нақл қилмоқдир.

رَوِي мазий, رَوِيْ музореъ, رَوِي исми фоил, مَرُوِي исми мафъул, مَرُوِي феъли жажд, لا يَرُوِي феъли нафий, اَرُو амри ҳозир, لِيَرُو амри ғоиб, لا تَرُو феъли нахий, مَرُوِي исми макон ва замон, مَرُوِي исми олат, أَرُوِي исми тафзил.

Феъли мазийнинг маълуми

رَوِي، رَوِيَا، رَوُوَا، رَوْتُ، رَوْتَا، رَوِيْن، رَوِيْت، رَوِيْتُمَا، رَوِيْتُمْ، رَوِيْتِ، رَوِيْتُمَا، رَوِيْتُنْ، رَوِيْتُ، رَوِيْنَا

бор: **يُرْوُونَ** аслида **يُرْوُونَ** эди. **ي** га замма оғир бўлгани учун **ي** ни заммасини моқаблига бердик. Ҳаракатини ташлагандан кейин **يُرْوُونَ** бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. **ي** билан вов орасида **ي** ни ҳазф қилдик, **يُرْوُونَ** бўлди. **يُرْوُونَ** да ҳам шу коида бор. **يُرْوُونَ** аслида **يُرْوُونَ** эди. **ي** га касра оғир бўлгани учун **ي** ни касрасини ташладик. Моқабли ҳаракатталаб бўлмагани учун **يُرْوُونَ** бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Икки **ي** орасида аввалги **ي** ни ҳазф қилдик, **يُرْوُونَ** бўлди.

Феъли музореънинг мажҳули

يُرْوَى، يُرْوَانِ، يُرْوُونَ، تُرْوَى، تُرْوَانِ، تُرْوُونَ، تُرْوَيْنِ، تُرْوَانِ، تُرْوَيْنِ، أُرْوَى، تُرْوَى

يُرْوَى аслида **يُرْوَى** эди. **ي** мутаҳаррик моқабли мафтуҳ бўлгани учун **ي** ни алифга қалб қилдик, **يُرْوَى** бўлди. **يُرْوُونَ** аслида **يُرْوُونَ** эди. **ي** ҳаракатли моқабли фатҳали бўлгани учун **ي** ни алифга қалб қилдик, **يُرْوُونَ** бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Алиф билан вов орасида алифни ҳазф қилдик, **يُرْوُونَ** бўлди. **يُرْوُونَ** ҳам шундай. **يُرْوَيْنِ** аслида **يُرْوَيْنِ** эди. **ي** мутаҳаррик моқабли мафтуҳ бўлгани учун **ي** ни алифга қалб қилдик. **يُرْوَيْنِ** бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Алиф билан **ي** орасида алифни ҳазф қилдик, **يُرْوَيْنِ** бўлди.

Исми фоил

رَاوٍ، رَاوِيَانِ، رَاوُونَ، رَاوِيَةً، رَاوِيَاتٍ

رَاوٍ аслида رَاوِيٌ эди. Ға замма оғир бўлгани учун ғни заммасини ташладик. رَاوِيُنْ бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. ғ билан танвин орасида ғни ҳазф қилдик, رَاوٍ бўлди. رَاوُونَ аслида رَاوِيُونٌ бўлиб, эълол қоидасидаги رَاوُونَ ға ўхшайди.

Исми мафъул

مَرْوِيٍّ، مَرْوِيَانِ، مَرْوِيُونٌ، مَرْوِيَةً، مَرْوِيَاتٍ

Қоида

Вов билан ғ бир калимада келса, аввалгиси сокин кейингиси ҳаракали бўлса, вов ни ғга қалб қилинади. Масалан, مَرْوِيٍّ аслида مَرْوِيُونٌ эди. Вовни ғга қалб қилдик, مَرْوِيٍّ бўлиб, шарти идғом мавжуд бўлди. Аввалги ғни иккинчи ғга идғом қилдик. مَرْوِيٍّ бўлди. ғ моқаблини касра бўлишини истайди. Шунинг учун вовга касра бердик, مَرْوِيٍّ бўлди.

Жаҳд маълум феъли

لَمْ يَرْوِ، لَمْ يَرْوِيَا، لَمْ يَرْوُوا، لَمْ يَرْوِيَنَّ، لَمْ يَرْوِيْنَ، لَمْ يَرْوِيَا، لَمْ يَرْوِيَنَّ، لَمْ يَرْوِيْنَ، لَمْ يَرْوِيَا، لَمْ يَرْوِيَنَّ، لَمْ يَرْوِيْنَ

لَمْ يَرْوِ хам لَمْ يَرْوِيَنَّ дек барча қоидаларда бир хил келади.

Жаҳд мажҳул феъли

لم يُرْوِ، لم يُرْوِيَا، لم يُرْوُوا، لم تُرْوِ، لم تُرْوِيَا، لم تُرْوُوا، لم تُرْوِي، لم تُرْوِيَا، لم تُرْوُوا، لم تُرْوِيَا، لم تُرْوُوا، لم تُرْوِي، لم تُرْوِيَا، لم تُرْوُوا

Нафий маълум феъли

لا يُرْوِي، لا يُرْوِيَانِ، لا يُرْوُونَ، لا تُرْوِي، لا تُرْوِيَانِ، لا تُرْوِينَ، لا تُرْوِي، لا تُرْوِيَانِ، لا تُرْوُونَ، لا تُرْوِينَ، لا تُرْوِيَانِ، لا تُرْوِينَ، لا تُرْوِي، لا تُرْوِيَانِ، لا تُرْوِينَ

Нафий мажҳул феъли

لا يُرْوِي، لا يُرْوِيَانِ، لا يُرْوُونَ، لا تُرْوِي، لا تُرْوِيَانِ، لا تُرْوِينَ، لا تُرْوِي، لا تُرْوِيَانِ، لا تُرْوُونَ، لا تُرْوِينَ، لا تُرْوِيَانِ، لا تُرْوِينَ، لا تُرْوِي، لا تُرْوِيَانِ، لا تُرْوُونَ

Феъли нафийнинг маълуми ва мажҳули барча қоидаларда феъли музореънинг маълуми ва мажҳули кабидир.

Амри ҳозир

اُرْوِ، اُرْوِيَا، اُرْوُوا، اُرْوِي، اُرْوِيَا، اُرْوِينَ

Амри ғоибнинг маълуми

لِئْرْوِ، لِئْرْوِيَا، لِئْرْوُوا، لِئْرْوِ، لِئْرْوِيَا، لِئْرْوِينَ، لِأْرْوِ، لِأْرْوِ

Амри ҳозир ва амри ғоибни маълуми ва мажҳули: اُرْم

ва ليرمَ ва ليَرمَ сийғалари каби эълолда шундай тусланади.

Амри ғоибнинг мажхули

لِثَرْوِ، لِثَرْوِيَا، لِثَرْوُوا، لِثَرْوِي، لِثَرْوِيَا، لِثَرْوِيْنَ، لِيُرُو، لِيُرُوِيَا، لِيُرُوُوا، لِيُرُوِي، لِيُرُوِيَا، لِيُرُوِيْنَ، لِأُرُو،
لِثَرْوِ

Феъли наҳийнинг маълуми

لا تُرُو، لا تُرُوِيَا، لا تُرُوُوا، لا تُرُوِي، لا تُرُوِيَا، لا تُرُوِيْنَ، لا يُرُو، لا يُرُوِيَا، لا يُرُوُوا، لا يُرُوِي، لا تُرُو، لا تُرُوِيَا، لا يُرُوِيْنَ، لا أُرُو، لا نَرُو

Феъли наҳийнинг мажхули

لا تُرُو، لا تُرُوِيَا، لا تُرُوُوا، لا تُرُوِي، لا تُرُوِيَا، لا تُرُوِيْنَ، لا يُرُو، لا يُرُوِيَا، لا يُرُوُوا، لا يُرُوِي، لا تُرُو، لا تُرُوِيَا، لا يُرُوِيْنَ، لا أُرُو، لا نَرُو

Феъли наҳийнинг маълуми ва мажхули феъли жаҳднинг маълум ва мажхулига ўхшашдир.

Исми замон ва макон

مَرُوِي، مَرُوِيَانِ، مَرَاوِ

مَرُوِي аслида مَرُوِيْن Эди. مَرُوِي мутаҳаррик моқабли мафтух бўлгани учун مَرُوِي алифга қалб қилдик. مَرُوَانِ бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Алиф билан танвин орасида алифни ҳазф қилдик. مَرُوْن مَرُوِي бўлди.

Исми олат

مَرْوَى، مَرْوَيَانِ، مَرَاوِي

Исми тафзил

أَرْوَى، أَرْوَيَانِ، أَرْوُونَ، رَبِي، رَبِيَانِ، رَبِيَاتُ

رَبِي аслида رُوِي бўлиб, вов билан ي бир калимада жамъ бўлди. Аввалгиси сокин, иккинчиси бўлмиш ҳаракатли вовни га қалб қилдик. رَبِي бўлиб, шарти идғом мавжуд бўлди. НИ га идғом қилдик. رَبِي бўлди. ي моқаблини касра бўлишини хоҳлайди, деб моқаблига касра бердик. رَبِي бўлди.

رَبِي нинг фарқи رَبِي – رَبِي дан исми тафзилнинг уч муаннас сийғасида холос.

Бу бобнинг мултавийсига мисол

وَحْيًا – يَحْيَى – وَحَى – яширин сўзламоқ, вахий келтирмак.

وَحْيَى исми мафъул, مَوْحِي исми фоил, وَاح исми музореъ, يَحْيَى мозий, وَحَى феъли жамъ, لا يَحْيَى феъли нафий, ح амри ҳозир, لَيْح амри гоиб, لا تَح феъли нахий, مَوْحَى исми замон ва макон, مِيحَاء исми олат, أَوْحَى исми тафзил.

Феъли мозийнинг маълуми

وَحَى، وَحْيًا، وَحُوا، وَحَتْ، وَحَتًا، وَحَيْنَ، وَحَيْتَ، وَحَيْتُمَا، وَحَيْتُمْ، وَحَيْتِ، وَحَيْتُمَا، وَحَيْتُنَّ،

وَحَيْتُ، وَحَيْتُنَا

وَحْيٌ نِي ЭЪЛОЛИ رَمَى نИНГ ЭЪЛОЛИ КАБИДИР.

Феъли мозийнинг мажхули

وَحْيٌ، وَحْيًا، وَحَاوًا، وَحَيْتٌ، وَحَيْتًا، وَحَيْنٌ، وَحَيْتٌ، وَحَيْثُمَا، وَحَيْثُمْ، وَحَيْثُ، وَحَيْثُكُمَا، وَحَيْثُكُمْ، وَحَيْثُكَ، وَحَيْثُكَمَّ

Феъли музореънинг маълуми

يَحْيَى، يَحْيَانٌ، يَحْوُنٌ، يَحْيَى، يَحْيَانٌ، يَحْيَيْنٌ، يَحْيَى، يَحْيَانٌ، يَحْيَيْنٌ، يَحْيَى، يَحْيَانٌ، يَحْيَيْنٌ، يَحْيَى، يَحْيَانٌ، يَحْيَيْنٌ، يَحْيَى، يَحْيَانٌ، يَحْيَيْنٌ، يَحْيَى، يَحْيَانٌ، يَحْيَيْنٌ

يَحْيَى аслида يَحْيَى эди. Ҳарфи музориъат билан касраи таҳқиқий орасида вовни ҳазф қилдик. يَحْيَى бўлди. ға замма оғир бўлгани учун ғани заммасини ташладик. يَحْيَى бўлди. Ушбу ўн тўрт сийғада феълнинг фо баробаридаги ҳарф махзуфдир. Демак, уч сийғада ломи феъл махзуф, ғоибин, мухотабин, мухотабаларда.

Феъли музореънинг мажхули

يُوحَى، يُوحِيَانٌ، يُوحْوُنٌ، يُوحَى، يُوحِيَانٌ، يُوحَيْنٌ، يُوحَى، يُوحِيَانٌ، يُوحَيْنٌ، يُوحَى، يُوحِيَانٌ، يُوحَيْنٌ، يُوحَى، يُوحِيَانٌ، يُوحَيْنٌ، يُوحَى، يُوحِيَانٌ، يُوحَيْنٌ، يُوحَى، يُوحِيَانٌ، يُوحَيْنٌ، يُوحَى، يُوحِيَانٌ، يُوحَيْنٌ، يُوحَى، يُوحِيَانٌ، يُوحَيْنٌ، يُوحَى، يُوحِيَانٌ، يُوحَيْنٌ

يُوحَى نИНГ ЭЪЛОЛИ يُرْمَى نИНГ ЭЪЛОЛИГА ЎХШАШДИР.

Исми фоил

وَأَحْيَا، وَأَحْيَانٌ، وَأَحْوَنٌ، وَأَحْيَةً، وَأَحْيَتَانِ، وَأَحْيَاتٌ

Исми мафъул

مَوْحِيٌّ، مَوْحِيَانِ، مَوْحِيُونَ، مَوْحِيَةٌ، مَوْحِيَاتٌ، مَوْحِيَاتٌ

Феъли жаҳднинг маълуми

لم يَحِ، لم يَحِيَا، لم يَحُوا، لم تَحِ، لم تَحِيَا، لم تَحُوا، لم تَحِي، لم تَحِيَا، لم تَحِينِ، لم أَحِ،
لم نَحِ

Феъли жаҳднинг мажҳули

لم يُوحِ لم يُوحِيَا لم يُوحُوا لم تَوَحِ لم تَوَحِيَا لم تَوَحِينِ لم تَوَحُوا لم تُوحِ لم تُوحِيَا
لم تُوحِينِ لم أُوحِ لم نُوحِ

Феъли нафийнинг маълуми

لا يَحِي، لا يَحِيَانِ، لا يَحُونَ، لا يَحِي، لا يَحِيَانِ، لا يَحِينِ، لا يَحِي، لا يَحِيَانِ، لا يَحُونِ، لا يَحِينِ، لا يَحِي،
لا يَحِيَانِ، لا يَحِينِ، لا أَحِي، لا نَحِي

Феъли нафийнинг мажҳули

لا يُوحِي، لا يُوحِيَانِ، لا يُوحُونَ، لا تُوحِي، لا تُوحِيَانِ، لا يُوحِينِ، لا تُوحِي، لا تُوحِيَانِ، لا تُوحُونِ، لا تُوحِينِ،
لا أُوحِي، لا نُوحِي

Амри хозир

حِ، حِيَا، حُوا، حِي، حِيَا، حِينِ

Амр олиш қоидаси **حِي** феъли музореънинг мухотаб

сийғасининг охирига қарадик. Ҳарфи иллат уни ташладик.
ح بُلدي.

Ҳарфи музораат бўлган то ни ташладик. Сўнгидаги
харф ҳаракатли экан. ح бўлиб, амр тамом бўлди.

Нуни таъкиди хофифа охирига ёпишгандан кейин حُنُّ،
حِينَانِ، حِيَانٍ، حِنٌّ، حُنٌّ، حِينُ حِنُّ، حِينُ حِيَانٍ، حِيَانٌ
بُلدي.

Амри ғоибнинг маълуми

لِيَحِ، لِيَحِيَا، لِيَحُوا، لِيَحِ، لِيَحِيَا، لِيَحِينِ، لِيَحِ، لِيَحِ

Амри ғоибнинг мажҳули

لِيُوحِ، لِيُوحِيَا، لِيُوحُوا، لِيُوحِ، لِيُوحِيَا، لِيُوحِينِ، لِيُوحِ، لِيُوحِيَا، لِيُوحِينِ،
لِأُوحِ، لِأُوحِ

Нахий ҳозирнинг маълуми

لَا تَحِ، لَا تَحِيَا، لَا تَحُوا، لَا تَحِي، لَا تَحِيَا، لَا تَحِينِ، لَا تَحِ، لَا تَحِيَا، لَا تَحِينِ،
لَا أَحِ، لَا أَحِ

Нахий ҳозирнинг мажҳули

لَا تُوحِ، لَا تُوحِيَا، لَا تُوحُوا، لَا تُوحِي، لَا تُوحِيَا، لَا تُوحِينِ، لَا يُوحِ، لَا يُوحِيَا، لَا يُوحُوا، لَا تُوحِ،
لَا تُوحِيَا، لَا يُوحِينِ، لَا أُوحِ، لَا نُوحِ

Исми замон ва макон

مَوْحِي، مَوْحِيَانِ، مَوَاحٍ

مَوْحِي اسليدا مَوْحِيْ Эди.

Исми олат

مِيحَاءُ، مِيحَانِ، مَوَاحِيْ

مَوَاحِيْ اسليدا مِيحَاءُ Эди.

Исми тафзил

أَوْحَى، أَوْحِيَانِ، أَوْحُونَ، وَحِي، وَحِيَانِ، وَحِيَاتٌ

Машхурроқ эълол қоидалари 25 тадир

Биринчиси: қалб 14 та бўлиб, вовга 9 та, ғга 4 та, алифга 1 тадир.

Иккинчиси нақл: 1 та.

Учинчиси таскин: 4 та

Тўртинчиси ҳазф: 5 та.

Бешинчиси идғом: 1 та.

Биринчи: вовни алифга қалб қилиш қоидаси 3 тадир.

1) Вов мутаҳаррик моқабли мафтүх вовни алифга қалб қилинади. قَوْلُ اسليدا قال.

2) Вов мутаҳаррик моқабли ҳарфи саҳиҳи сокин. Вовни ҳаракатини моқоблига бериб, вов аслида ҳаракатли эди. Ҳозир олди фатҳали бўлди. Вовни алифга қалб қилинади. يُقَوِّلُ اسليدا يُقَوِّلُ Эди.

3) Вов мутаҳаррик моқабли мафтүх. Вовни алифга қалб

қилинади. طَال аслида طُول эди.

Вовни ғи га қалб қилиш қоидаси тўртадир:

1. Вов сокин моқабли максур. Вовни ғи га қалб қилинади. مِثَاب аслида مِثَاب эди.

2. Вов келса, феълни лом баробарида моқабли касра бўлса, вовни ғи га қалб қилинади. قَوَى аслида قَوُو бўлиб فَعَلَ вазнидадир.

3. Вов билан ғи бир калимада келса, аввалгиси сокин, иккинчиси ҳаракатли бўлса, вовни ғи га қалб қилинади. مَرْمِي аслида مَرْمُوي аслида.

4. Вов келса, калиманинг тўртинчи ҳарфи баробарида моқабли ғайри зам бўлса, вовни ғи га қалб қилинади. يُدْعِيَان аслида يُدْعَوَان.

Вовни ҳамзага ва то ҳарфига қалб қилиш қоидаси иккитадир:

1. Вов келса, алифи зоидадан кейин вовни ҳамзага қалб қилинади. قَائِل аслида قَائِل эди.

2. Вов келса, фои ифтаала тўғрисида вовни то ҳарфига қалб қилиб, то ҳарфини тои ифтаалага идғом қилинади. اُتَضَح аслида اُتَضَح эди.

ғи ҳарфини алифга қалб қилиш қоидаси учтадир:

1. ғи мутаҳаррик моқабли мафтуҳ бўлгани учун ғи алифга қалб қилинади. بَاع аслида بَاع эди.

2. ғи мутаҳаррик моқабли ҳарфи саҳиҳи сокинбўлгани учун ғи ҳаракатини моқаблиги бериб, ғи аслида ҳаракатли эди, ҳозир моқабли мафтуҳ бўлди деб ғи алифга қалб қилинади. يُبَاع аслида يُبَاع эди.

3. **ي** мутахаррик моқабли мафтух бўлгани учун **ي**ни алифга қалб қилдик. **نَال** аслида **نَيْل** эди.

يни вовга қалб қилиш қоидаси биттадир:

1. **ي** сокин бўлиб келса, моқабли мазмум бўлса, **ي**ни вовга қалб қилинади. **يُوسِرُ** аслида **يُوسِرُ** эди.

يни ҳамзага ва то ҳарфига қалб қилиш қоидаси иккитадир:

1. **ي** алифи зоидадан кейин келса, **ي**ни ҳамзага қалб қилинади. **بَاعَ** аслида **بَاعَ** эди.

2. **ي** келса, фои ифтаала тўғрисидаги **ي**ни "то" га қалб қилиб, "то"ни "тои ифтаала"га идғом қилинади. **إِتْسَرَ** аслида **إَيْتَسَرَ** эди.

Алифни вовга ақалб қилиш қоидаси биттадир:

1. Алиф келса, моқабли мазмум бўлгани учун алифни вовга қалб қилинади. **ضَارَبَ** аслида **ضَارَبَ** ни мажхули **ضَارَبَ** эди.

Таскин қоидаси

Таскин қоидаси 4 тадир.

1. Таскини фақат. **يُرْمِي** аслида **يُرْمِي** эди.

2. Таскини маъаннақл. **يَبِيعُ** аслида **يَبِيعُ** эди

3. Таскин маъаннақли валҳазфи. **يَبِيعَنَ** аслида **يَبِيعَنَ** эди.

4. Таскин маъаннақли вал қалби. **أَقَامَ** аслида **أَقَامَ** эди.

Ҳазфнинг қоидаси

Ҳазфнинг қоидаси бештадир:

1. Вов келса, касраи таҳқиқи билан ҳамза ва нун орасида **أَنْبُ** ва **نَبُّ** аслида **أَوْنُبُ** ва **نُونُبُ** вовни ҳазф қилинади.

2. Вов келса, касраи тақдири, яъни фарази билан ҳамза ва нун орасида вовни ҳазф қилинади. **نَصَّعُ** ва **أَصَّعُ** аслида **نَوُصَّعُ** ва **أَوُصَّعُ** эди.

3. Вов келса, ҳарфи музораат билан касраи таҳқиқий орасида вовни ҳазф қилинади.

يَشْبُ ва **تَشْبُ** аслида **يَوُشْبُ** ва **تَوُشْبُ** эди.

4. Вов келса, ҳарфи музораат билан касраи тақдирий орасида вовни ҳазф қилинади.

يَضَعُ ва **تَضَعُ** аслида **يَوُضَعُ** ва **تَوُضَعُ** эди.

5. **مُلاقاة المعتل الساكن ساكنًا** қоидаси, яъни ҳарфи иллат ўзи сокин бўлиб, ўзга сокинлик ҳарфга йўлиқиб қолса, шундай ҳарфи иллатни ҳазф қилинади.

Мисол **بِعُ** аслида **بُوعُ** ва **فُلُ** аслида **فُؤُلُ** эди.

ИККИНЧИ БОБ

Сулосий мужарраднинг иккинчи боби

Мозийда айна фатҳали ва музореъда айна заммали **فَعْلٌ – يَفْعُلُ** бобидир. Бу бобнинг масдари 15-вазнда келади.

Вазнлар	Мисоллар	Маънолар
فَعْلٌ	نَصْرٌ	Ёрдам қилмоқ
فَعْلٌ	طَلْبٌ	Истамоқ
فَعَالٌ	نَبَاتٌ	Ўсмоқ

فِعَالَةٌ	حِرَاسَةٌ	Сақламоқ, посбонлик қилмоқ
فَعْلٌ	شُكْرٌ	Неъмат ва яхшиликни қадрини билмоқ
فِعْلَانٌ	كَيْمَانٌ	Яширмоқ
فُعْلَى	بُشْرَى	Севинч хабарини бермоқ
فُعُولٌ	خُرُوجٌ	Чиқмоқ
فَعِلٌ	خَبَقٌ	Тамокни бўғмоқ
فِعَالٌ	كِتَابٌ	Ёзмоқ
فَعَالٌ	صُرَاخٌ	Қичқирмоқ
فِعْلٌ	فِسْقٌ	Ҳақ таолони фармонини тарк қилиш ва ёмон иш қилиш
فِعْلَى	ذِكْرَى	Эслаш ва ёд қилиш
فِعْلَةٌ	نَشْدَةٌ	Изламоқ ва қидирмоқ
فَعْلَةٌ	دَعْوَةٌ	Чақирмоқ

Бу бобнинг саҳиҳига мисол **نَصَرَ** – **يَنْصُرُ** – **نَصْرًا** ва **نَصْرَةً** ёрдам бермоқ.

نَصَرَ мозий, **يَنْصُرُ** музореъ, **نَاصِرٌ** исми фоил, **مَنْصُورٌ** исми мафъул, **يَنْصُرُ** **مَ** феъли жаҳд, **يَنْصُرُ** **لَا** феъли нафий, **أَنْصُرُ** амри ҳозир, **لِيَنْصُرُ** амри ғоиб, **تَنْصُرُ** **لَا** феъли наҳий, **مَنْصُرٌ** исми замон ва макон, **مِنْصَارٌ** исми олат, **أَنْصَرُ** исми тафзил.

نَصَرَ – **يَنْصُرُ** дан амри **أَنْصُرُ** келади. Шу йўл биланки, **تَنْصُرُ** феъли музореъ маълуми мухотаб сийғасини охирига қарадик. Охиридаги ро ҳарфи саҳиҳ экан, сокин қилдик, **يَنْصُرُ** бўлди. Ҳарфи музораат бўлган "то"ни ташладик, унинг сўнгидаги ҳарфи сокин экан. Айни феълига қарадик. Заммалик экан. Аввалига заммалик ҳамза келтирдик **أَنْصُرُ**

бўлди.

Сарфи:

أَنْصُرُ، أَنْصُرَا، أَنْصُرُوا، أَنْصُرِي، أَنْصُرَا، أَنْصُرُونَ

Музоъафига мисол

رَدَّ – مَرَدَّةٌ масдари رَدًّا ва رَدًّا مَرَدَّةً келур. Маъноси: қайтармоқ.

رَدَّ мозий, رَدُّ музореъ, رَادٌ исми фоил, مَرْدُوْدٌ исми мафъул, رَدَّ феъли жаҳд, لَا يَرُدُّ феъли нафий, رَدَّ амр хозир, لَيَرُدُّ амри ғоиб, تَرُدُّ لَا ناҳий хозир, مَرَدٌّ исми замон ва макон, مِرْدَادٌ исми олат, أَرَدُّ исми тафзил.

رَدَّ – يَرُدُّ нинг эълоли فَرَّ – يَفِرُّ нинг маълум ва мажхулдаги эълоли кабидир.

رَدَّ مِمَّا اسлида يَرُدُّ эди. Биринчи долни ҳаракатини моқаблига бердик. Ҳаракат талаб бўлгани учун يَرُدُّ бўлиб ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Икки дол орасида ижтимои сокинайндан қутилишни икки йўли бор. Бири ҳазф қилиш, иккинчиси ҳаракат бериш. Бу жойда мутажонисайннинг бирини ҳазф қилиш дуруст эмас. Зеро, إجحاف كلمة лозим келади. Ҳаракат бериш ҳам дуруст эмас. Зеро تَرْجِيح بلا مُرَجِّح лозим келади. Ижтимои сокинайн билан сўзлаш мумкин эмас. الصَّرْوَرَاتُ تُبِيحُ الْمَحْطُورَاتِ Иложсиз бердик. Айн бобига мувофиқ қилмоқ учун يَرُدُّ бўлиб, шарти идғом мавжуд бўлди. Биринчи долни иккинчи долга идғом қилдик. يَرُدُّ бўлди. Истасак, иккинчи долга касра берамиз.

يَرُدُّ لَمْ يَرُدُّ бўлади. Ёки يَرُدُّ لَمْ يَرُدُّ қондасига кўра إِذَا حُرِّكَ حُرِّكَ بِالْكَسْرِ

аслига қайтариб **لَمْ يَزِدْ** десак ҳам бўлади. Ихтиёр кишининг кўлидадир. Унинг мажҳули маълумидекдир. Аслида ҳам идғомдада ҳам шундайдир. Лекин шунчалик фарқи борки, мажҳулида уч хил ўқиш дурустдир. Фатҳа ва касра ва таскин замма ўқилмайди. Зеро, мажҳулда айна феъл фатҳа бўлади. Феъли нафий феъли музореъдекдир.

Амри хозир

زُدَّ، زَدًا، زُدُّوا، زُدِّي، زَدًا، أُرِدُّن

زُدَّ ни **زُدُّ** феъли музореъ мухотаби маълумдан икки амал билан олинади.

Биринчи амал шуки, ушбу мухотаб сийғасини охирига қарадик. Охири мудғам экан. Ўз ҳолига қўйдик. Заммадан фатҳага ўтдик. Фатҳа аҳаффи ҳаракот бўлгани учун **زُدُّ** эди, **زُدَّ** бўлди.

Иккинчи амал шуки, ҳарфи музореатни олиб ташладик. Сийғасига қарасак, **افعال** бобидан эмас экан. Ҳарфи музораъатни "мояли"си, яъни ёнидаги ҳарфга қарадик. Мутаҳаррик экан **زُدَّ** бўлиб, амр тамом бўлди. **زُدَّ** аслида **أُرِدُّ** эди. Биринчи долни ҳаракатини моқаблига бердик. Ҳаракатталаб бўлгани учун **أُرِدُّ** бўлиб, ижтимои сокинайн бўлди. Икки дол орасида ижтимои сокинайндан ҳалос бўлишнинг йўли ҳазф қилиш билан ёки ҳаракат бериш билан бўлади. Бу ўринда мутожонисайннинг бирини ҳазфи дуруст эмас. Зеро, **اجحاف كلمه** лозим келади. Ҳаракат бериш ҳам дуруст эмас, зеро **تَرْجِيحٌ بِلا مُرَجِحٍ** лозим келади. Ижтимои сокинайн ҳолда **أُرِدُّ** деб талаффуз қилиш моҳолдир. Шунинг учун мажбуран иккинчи долга замма ҳаракат бердик. Айна бобига тобеъ қилиш учун **أُرِدُّ** бўлиб,

шарти идғом мавжуд бўлди. Идғом қилган эдик **أُذُ** бўлди. Идғомдан кейин ҳамза бизга керак бўлмай қолди. Ҳамзани ҳазф қилдик **زُ** бўлди.

Демак, **زُ، زُدْ، زُدْ، زُدْ** десак ҳам жоиздир.

Нуни таъкиди ҳафифа билан: **زُدْنُ، زُدْنُ، زُدْنُ** ва сақиласи билан

أُذُنَانِ، زُدَانِ، زُدْنُ، زُدَانِ، زُدْنُ

Маълуми амри ғоиб

لِيُرَدَّ، لِيُرَدَّ، لِيُرَدُّوا، لِيُرَدَّ، لِيُرَدَّ، لِيُرَدُّنَ، لَأُرَدَّ، لِيُرَدَّ

لِيُرَدَّ ни феъли музореъи маълум **يُرَدُّ** сийғасидан олинади. Биринчи амал ушбу сийғани аввалига ломи жозимани келтиргандан кейин охирига қарадик. Охири мудғом экан. Ўз холига қўйдик. Заммадан фатҳага ўтдик. Зеро, ҳаракатлар орасида фатҳа енгилроқ бўлгани учун **لِيُرَدَّ** бўлди. **لِيُرَدَّ** аслида **لِيُرَدُّ** эди. Биринчи долни ҳаракатини моқаблига бердик. Ҳаракатталаб бўлгани учун **لِيُرَدُّ** бўлиб, ижтимои сокинайн хосил бўлди. Икки дол ораси юқорида ўтган сабабларга кўра ночор бўлиб, иккинчи долга замма бердик. Айни бобига эргашмоқлик учун **لِيُرَدُّ** бўлиб, шарт идғом мавжуд бўлди. Аввалги долни иккинчи долга идғом қилдик. **لِيُرَدُّ** бўлди. Қолган уч хили **لِيُفَرِّغُ** га ўхшашдир.

Амри ғоибнинг мажҳули

لِيُرَدَّ، لِيُرَدَّ، لِيُرَدُّوا، لِيُرَدَّ، لِيُرَدَّ، لِيُرَدُّنَ، لَأُرَدَّ، لِيُرَدَّ، لِيُرَدُّوا، لِيُرَدَّ، لِيُرَدَّ، لِيُرَدُّنَ، لَأُرَدَّ

لِيُرَدَّ

لِيُرَدُّ аслида لِيُرَدُّ эди. Мажхул қилиш учун охирининг олдиндаги ҳарфини фатхали қилдик لِيُرَدُّ бўлди. Ҳарфи музораатни замма қилдик. لِيُرَدُّ бўлди. Биринчи долни ҳаракатини моқаблига бердик. Ҳаракат талаб бўлгани учун لِيُرَدُّ бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди.

Феъли наҳий

Феъли наҳийни феъли жаҳдга тасрифда ҳам эълолда, маълум ва мажхулда қиёс қил. Уни шунчалик фарқи борки, феъли жаҳдга кўра феъли наҳийда нуни таъкиди ҳафифа ва сақила кўпроқ ишлайди.

Исми замон ва макон

مَرَدٌ، مَرَدَانِ، مَرَادٌ

Исми олат

مَرْدَادٌ، مَرْدَادَانِ، مَرْدِيدٌ

Исми тафзил

أَرْدٌ، أَرْدَانِ، أَرْدُونِ، رُدِّي، رُدْيَانِ، رُدِّيَاتٌ

Бу бобнинг мисоли вовисига мисол وَصَّ - يُوِّصُّ - وَصَّ хоҳ курилишда бўлсин, хоҳ ўзга ишда бўлсин ишни мустаҳкам қилиш маъносидадир.

وَصَّ мозийй, يُوِّصُّ музореъ, وَاصٌّ исми фоил, مَوْصُوصٌ исми

мафъул, أَمْ يُوْصَّ феъли жаҳд, $\text{لَا يُوْصُّ$ феъли нафий, وَصَّ амри ҳозир, $\text{لَا تُوْصُّ$ нахий ҳозир, مَوْصَّ исми замон ва макон, مِصَّاصٌ исми олат, أَوْصُ исми тафзил.

وَصَّ ни барча ҳолларда رَدَّ га қиёс қил. Лекин исми олатда бироз ўзгариш бор. У ҳам бўлса, مِصَّاصٌ бўлиб, у аслида مُؤْصَّاصٌ бўлган. Вов сокин моқабли мақсур бўлгани учун вовни ي га қалб қилдик. مِصَّاصٌ бўлди. مِصَّاصَانِ ҳам шу хилдадир. مُؤْصَّاصِيْنُ ўз аслидадир.

Барча сарф китобларида бу бобнинг мисоли вовисига وَدَّ - يُوَدُّ ни мисол қилиб келтирадилар. Ҳақиқат шуки, وَدَّ - يُوَدُّ иккинчи бобдан бўлиб келмагандир. Тошкент шахрининг пири бадавлати бўлган қориларидан Абдулазизқори каминаи камтаринни ухровий дўстларидан эдилар. Ҳазрати Соғунийдан илм олишда бир кажовада эдик. Бу зот шарифга бир дона "соврунут толиб" номли сарф китобидан ҳадя қилган эдик. Бир неча кундан кейин уйларида мулоқот қилган чоғда эътироз билдирдиларки, وَدَّ - يُوَدُّ ни мисол қилиб келтирибсиз. Қуръони каримда يُوَدُّ аини заммаси билан келмаган эдику? Ул зоти шарифнинг саволларига жавобан айтдимки: «Магарам, "Гадохули бобайн"дан бўлса, яъни баъзи феъллар икки бобдан ҳам келади. Чунончи $\text{فَضَّلَ - يَفْضُلُ}$ каби نَصَرَ бобидан ва $\text{فَضَّلَ - يَفْضُلُ}$ каби عَلِمَ бобидан келгандир. Ва бунда уч луғат ҳам келмиш. Ўшал икки луғатдан мураккаб бўлган $\text{فَضَّلَ - يَفْضُلُ}$ мозийси عَلِمَ бобидан, музореъси نَصَرَ бобидан, $\text{نَدَاخُلُ بَابِيْنِ}$ дан. Сўнгра луғат китобларини қидирдик. نَصَرَ бобидан келмабдир.

Мана шул وَدَّ - يُوَدُّ дек вов билан келган ҳам мисол ва

хам музоаф бормикан, деб луғат китобларини ахтарсак, وَصَّ وَدُّ – бор экан. Келажак ўқувчиларга ҳақиқат бўлсин деб ўдъ ни ўрнига ушбу وَصَّ ни ёздик.

Яна илм ўрганишда бир кажавада бўлган шеригимиз Абдураззоқ Тошкандий: «Домла, مَاتَ аслида مَيِّتٌ бўлиб, ي харакатли, моқабли мафтўҳ бўлгани сабаб, ي ни алифга қалб қилдик, дебсиз. مَيِّتٌ айнини касраси билан луғатда келганми?» деб сўради.

Ушбу шеригимизнинг саволига жавоб бердик-ки: «Буни луғатлардан ҳақиқатлаб сизга жавоб берамиз». Луғат китобларни текширишда маълум бўлдики, ʻайн касраси билан келмаган. Фатҳа ўрнига касра ёзилибди. Аслида مَيِّتٌ фатҳали экан. يَمِيْتُ – مَاتَ келмишдир. مَاتَ ни асли تَعَبَ экан. مَوْتًا – مَوْتًا – مَوْتًا – مَوْتًا бир маънодадир. Шунга биноан مَاتَ ни ўрнига نَالَ ёздик. Зеро, نَالَ ни асли نَيْلٌ экан. تَعَبَ бобидан бшқиб луғатда келмишдир. Бухорои шарифда сарф ўқитган устозларимиз термин йўли билан китоблардан саралаб машҳурроқ қоида сарфни 25 та деб бизларга ўқитган эдилар. Рухлари шод бўлсин, улўғларимиздан келажак авлодга ёдгор ва эслатма бўлсин деб ушбу соврунга ёзган эдим..

Бу бобнинг أَجُوفٌ га мисол: دَامَ – يَدُومُ – دَوَّامًا ва دَوَّامًا ва دَوَّامًا ва دَوَّامًا хамиша бўлмоқ, маъносидадир.

دَامَ мозий, يَدُومُ музореъ, دَائِمٌ исми фоил, مَدُومٌ исми мафъул, لَمْ يَدُومْ феъли жаҳд, لَا يَدُومُ феъли нафий, دُمْ амри ҳозир, لِيَدُومْ амри ғоиб, لَا تَدُومْ наҳий ҳозир, مَدَامٌ исми замон ва макон, مَدَامٌ исми олат, أَدُوْمٌ исми тафзил.

Маълуми феъли мозий

دَامَ، دَامَا، دَامُوا، دَامَتْ، دَامَتَا، دُمِنَ دُمْتِ دُمْتَا، دُمْتُم دُمْتِ دُمْتُمَا دُمْتُنَّ
دُمْتُ دُمْنَا

دَوَمَ аслида

Вов мутахаррик моқабли мафтух. Вовни алифга қалб қилдик. دَامَ бўлди. Ғоибайн ва ғоибин, ва ғообаҳ ва ғоибатайнда ҳам шундай. 9-сийғада айн феъл маҳзудир. Ғоибот, 6-мухотаб, 2-мутакаллимда.

دُومَن аслида эди. Вов мутахаррик моқабли мафтух бўлгани учун вовни алифга қалб қилдик. دَامُن бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Алиф билан мим орасида алифни ҳазф қилдик دُومَن бўлди. Сўнгра долни фатҳасини заммага бадал қилдик. Вови маҳзудага далолат қилмоқлиги учун دُومَن бўлди. Баъзилар биринчи галда вовга замма берадилар ва ул заммани долга нақл қиладилар, сўнгра ижтимои сокинайн сабабли вовни ҳазф қиладилар. Бу фикр рақиқ ва заифдир.

Мажхули феъли мозий баёни

دَوَمَ ни мажхул қилиш учун аслига қайтардик. دَوَمَ бўлди. Моқабли охирини касрали қилдик. دَوَمَ бўлди. Моқабли охирининг олдиндаги барча ҳаракатли ҳарфини заммалик қилдик. دَوَمَ бўлди. Касра вовга оғир вовни касрасини моқаблига бердик. Ҳаракатини тушургандан кейин دَوَمَ бўлиб, вов сокин моқабли мақсур вовни يга қалб қилдик دِي бўлди.

Сарфи:

دِيمَ، دِيمَا، دِيمَاوَا، دِيمَعَتْ، دِيمَتَا، دُمْنٌ، دُمْتِ، دُمْتُمَا، دُمْتُمْ، دُمْتِ، دُمْتُمَا، دُمْتُنَّ، دُمْتُ، دُمْنَا

دِيمَ аслида دُوْمَ эди. Касра вовга оғир бўлгани учун вовни касрасини моқаблига бердик. Ҳаракатини ташлагандан кейин دُوْمَ бўлди. Вов сокин моқабли касра вовни Ғга қалб қилдик دِيمَ бўлди, ундан кейинги 4-сийғада ҳам шундай.

دُوْمَن аслида دُوْمِن эди. Касра вовга оғир бўлгани учун вовни касрасини ташладик دُوْمِن бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Вов билан мим орасида вовни ҳазф қилдик دُوْمِن бўлди. То охиригача шундай бўлади.

Ушбу 9-сийғада маълум ва мажхул муштаракдир. Маълумда دُوْمَن нинг асли دُوْمِن бўлади. Мажхулда دُوْمَن нинг асли دُوْمِن дир.

Феъли музоренинг маълуми

يُدُومُ، يُدُوْمَانِ، يُدُوْمُوْنَ، تَدُوْمُ، تَدُوْمَانِ، تَدُوْمِنَ، تَدُوْمُ، تَدُوْمَانِ، تَدُوْمُوْنَ، تَدُوْمِيْنَ، تَدُوْمَانِ، تَدُوْمِنَ،
أُدُوْمُ، نَدُوْمُ

يُدُومُ аслида يُدُوْمُ эди. Замма вовга оғир бўлгани учун вовнинг заммасини олдиндаги ҳарфга бердик يُدُوْمُ бўлди. نَقُلُ دَعَانُ деган коида бор. يُدُوْمِن аслида يُدُوْمِن бўлган. Замма вовга оғир бўлгани учун вовни заммасини олдиндаги ҳарфга бердик يُدُوْمِن бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Вов билан мим орасида вовни ҳазф қилдик. يُدُوْمِن бўлди. تَدُوْمِن хам худди шундай. مَعَ النَّقْلِ دَعَانُ деган коида бор.

Феъли музореъ мажхулининг баёни

يُدَامُ، يُدَامَانِ، يُدَامُونَ، تُدَامُ، تُدَامَانِ، يُدَمِّنُ، تُدَامِنِ، تُدَامُونَ، تُدَامِينِ، تُدَامَانِ،
تُدَمِّنُ، أُدَامُ، نُدَامُ

يُدُومُ нинг мажхул қилиш учун аслига қайтардик يُدُومُ бўлди. Охирининг олдиндаги ҳарфини фатҳали қилдик يُدُومُ бўлди. Ҳарфи музораатни заммалик қилдик يُدُومُ бўлди. Вов мутахаррик моқабли ҳарфи сахиҳи сокин вовни ҳаракатини моқаблига нақл қилиб бердик. Вов аслида мутахаррик эди. Ҳозир олди фатҳали бўлди деб, вовни алифга қалб қилдик يُدَامُ бўлди. النقلُ مع القلبِ деган қоида бор. يُدَمِّنُ аслида يُدَمِّنُ эди. Вовни ҳаракатини моқаблига бердик. Ҳаракат талаб бўлгани учун يُدَمِّنُ бўлиб, мутахаррикул асл моқабли мафтух бўлган вовни алифга қалб қилдик يُدَامِنُ бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Алиф билан мим орасида алифни ҳазф қилдик يُدَمِّنُ бўлди. تُدَمِّنُ ҳам шундай.

النقلُ مع القلبِ والحذف

Исми фоил

دَائِمٌ، دَائِمَانِ، دَائِمُونَ، دَائِمَةٌ، دَائِمَتَانِ، دَائِمَاتٌ

دَائِمٌ аслида دَائِمٌ эди. Вов келгани учун алифи зоидадан кейин вовни ҳамзага қалб қилдик دَائِمٌ бўлди. Қалб қоидаларидан вовни ҳамзага қалб қилиш қоидаси бор.

Исми мафъул

сахихи сокин бўлгани учун вовни ҳаракатини моқаблига бердик. Вов аслида мутаҳаррик эди. Ҳозир олди фатҳали бўлди, деб вовни алифга қалб қилдик **مَ يَدَامَ** бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Алиф билан мим орасида алифни ҳазф қилдик **مَ يَدَمَ** бўлди. Нафий феъл музореъ кабидир. Барча сарфда ҳам эълолда феъли нахий ва амри ғоиб феъли жаҳдга ўхшашдир. Барча эълолда ва маълум ва мажҳулда ҳам шундайдир.

Амри ҳозир баёни

دَمَ، دُومَا، دُومُوا، دُومِي، دُومَا، دُومَنَ

دَمَ амр феълини **تَدُومُ** феъли музореънинг мухотаби маълум сийғасидан олинади. Охирига қарадик, охириги ҳарфи саҳиҳ экан, сокин қилдик **تَدُومَ** бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Вов билан мим орасида вовни ҳазф қилдик **تَدُمَ** бўлди. Ҳарфи музораатни ташлагандик унинг сўнггидаги ҳарф ҳаракатли экан. Амр тамом бўлиб, **دَمَ** бўлди. **دَمَ** аслида **أَدُومَ** эди. Замма вовга оғир бўлгани учун вовнинг заммасини олдидаги ҳарфга бердик. Ҳаракат талаб бўлгани учун **أَدُومَ** бўлиб, икки сокин жамъ бўлди вов билан мим орасида вовни ҳазф қилдик **أَدُمَ** бўлди. "Мобаъди" мутаҳаррик бўлгандан кейин ҳамза бизга керак бўлмай қолди. Шунинг учун ҳамзани ҳазф қилдик **دَمَ** бўлди. Нуни таъкиди хофифаҳ билан: **دُومِنَ، دُومُنَ، دُومِنَ** ва сақила билан **دُومَانِ، دُومَنَانِ، دُومَيْنَ، دُومَانِ، دُومَنَانِ** бўлди.

Исми замон ва макон

مَدَامٌ، مَدَامَانِ، مَدَائِمٌ

مَدَامٌ аслида مَدَوْمٌ эди. Вов мутахаррик моқабли харфи саҳиҳи бўлгани учун сокин вовни ҳаракатини олдиндаги харфга бердик مَدَوْمٌ бўлди. Вов аслида мутахаррик эди. Ҳозир олди фатҳали бўлди, деб вовни алифга қалб қилдик مَدَامٌ бўлди. مَدَائِمٌ аслида مَدَاوِمٌ эди. Эълоли دائم нинг эълоли кабидир.

Исми олат

مَدَامٌ، مَدَامَانِ، مَدَائِمٌ

Эълоли исми замон ва маконнинг эълоли кабидир.

Исми тафзил

أَدْوَمٌ، أَدْوَمَانِ، أَدْوَمُونَ، دُومِي، دُومِيَانِ، دُومِيَاتٌ

Бу бобнинг ناقص га мисол:

دَعَا – يَدْعُو – دَعْوَةٌ маъноси: ошга чақирмоқ, دَعْوَةٌ насабга чақирмоқ, دَعْوَةٌ ишга чақирмоқ,

دَعَا мозий, يَدْعُو музорей, دَاعِ исми фоил, مَدْعُوٌ исми мафъул, يَدْعُ لَمْ феъли жаҳд, لا يَدْعُو феъли нафий, اُدْعُ амри хозир, لِيَدْعُ амри ғоиб, لا تَدْعُ феъли наҳий, مَدْعَى исми замон ва макон, مَدْعَى ва مَدْعَاةٌ ва مَدْعَاءٌ исми олат, اُدْعَى исми тафзил.

каби. رَبِّي، يَرْبِي

Фъели мозийнинг мажхули

دُعِيَ، دَعِيَ، دُعُوا، دَعُوا، دَعَيْتَ، دَعَيْتَا، دَعَيْنِ، دَعَيْتَ، دَعَيْتُمَا، دَعَيْتُمْ، دَعَيْتِ، دَعَيْتُمَا، دَعَيْتُنَّ،
دَعَيْتُ، دَعَيْتَا

دُعِيَ аслида эди. Калиманинг ломи баробарида касрадан кейин келган вовни га қалб қилдик دُعِيَ бўлди. Гоибин сийғасидан бошқа 13 сийғада أَلْفَلْبُ فَقَطُ қоидаси бор. دُعُوا аслида бўлиб, ушбу бир сийғада вов келди. Тарафи калимада моқобли касра вовни га қалб қилдик. دَعِيؤُا бўлди. Замма га оғир деб, ғни заммасини моқаблига бердик. Ҳаркатини туширгандан кейин دَعِيؤُا бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. ғ билан вов орасида ғни ҳазф қилдик دُعُوا бўлди.

Музореъ маълум фъели

يَدْعُو، يَدْعُوَانِ، يَدْعُونَ، تَدْعُو، تَدْعُوَانِ، تَدْعُونَ، تَدْعُونِ، تَدْعُونِ،
تَدْعُوَانِ، تَدْعُونَ، أَدْعُو، نَدْعُو

يَدْعُو аслида يَدْعُو эди, замма вовга оғир бўлгани учун вовни заммасини ташладик يَدْعُو бўлди.

Бу ерда التَّسْكِينُ فَقَطُ қоидаси бор.

3-сийғада ломи фъел маҳзуф гоибин ва мухотабин, ва мухотабадаги يَدْعُونُ аслида يَدْعُونُ эди. Замма вовга оғир

бўлиб, вовни заммасини ташладик **يَدْعُوَنَّ** бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Икки вов орасида аввалги вовни ҳазф қилдик, **يَدْعُونَ** бўлди. **تَدْعُونَ** ҳам шундай.

تَدْعِينَ аслида **تَدْعُونِ** эди. Касра вовга оғир бўлгани учун вовни касрасини олдиндаги ҳарфга бердик. Уни харакатини туширгандан кейин **تَدْعُونِ** бўлди. Вов сокин олди касралаи бўлгани учун вовни **ي**га қалб қилдик **تَدْعِيَنَّ** бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Икки **ي** орасида авлагги **ي**ни ҳазф қилдик **تَدْعِيَنَّ** бўлди.

Феъли музореънинг мажҳули баёни

يُدْعَى، يُدْعِيَانِ، يُدْعَوْنَ، تُدْعَى، تُدْعِيَانِ، يُدْعَيْنِ، تُدْعَى، تُدْعِيَانِ، تُدْعَوْنَ، تُدْعَيْنِ،
تُدْعِيَانِ، تُدْعَيْنِ، أُدْعَى، تُدْعَى

يَدْعُو ни мажҳул қилиш учун аслига қайтардик **يَدْعُو** бўлди. Охиридан олдинги ҳарфни фатҳали қилдик **يَدْعُو** бўлди. Ҳарфи музораатни заммалик қилдик **يَدْعُو** бўлди. Вов воқеъ бўлди. Калимани 4-ҳарфини баробарида моқабли замма эмас вовни **ي**га қалб қилдик **يُدْعَى** бўлди. **ي** мутаҳаррик моқабли мафтүх бўлгани учун **ي**ни алифга қалб қилдик **يُدْعَى** бўлди. **يَدْعُونَ** ва **تَدْعُونَ** аслида **يَدْعُوَنَّ** ва **تَدْعُوَنَّ** эди. Ушбу 2 сийғада вов воқеъ бўлди. Калиманинг 4-ҳарфини муқобилидаги вовни **ي**га қалб қилдик **يُدْعِيُونِ** бўлди. **ي** мутаҳаррик моқабли мафтүх **ي**ни алифга қалб қилдик **يُدْعَاوَنَّ** бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Алиф билан вов орасида алифни ҳазф қилдик. **يُدْعَوَنَّ** бўлди.

تَدْعُونَ аслида эди. Ушбу бир сийғада вов вокеъ бўлди. Калиманинг 4-ҳарфини баробарида моқабли замма эмас, вовни ي га қалб қилдик تَدْعِينَ бўлди. ي мутаҳаррик моқабли мафтұх ي ни алифга қалб қилдик. تَدْعَايْنِ бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Алиф билан ي орасида алифни ҳазф қилдик تَدْعَيْنِ бўлди.

Исми фоил

دَاعٍ، دَاعِيَانِ، دَاعُونَ، دَاعِيَةً، دَاعِيَتَانِ، دَاعِيَاتٍ

دَاعٍ аслида эди. Вов касрадан кейин калимани охирида келди. Вовни ي га қалб қилдик دَاعِيٍّ бўлди. Замма ي га оғир бўлгани учун ي ни заммасини ташладик دَاعِيْنِ бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. ي билан танвин орасида ي ни ҳазф қилдик دَاعٍ бўлди.

Исми мафъул

مَدْعُوٌّ، مَدْعُوَانِ، مَدْعُوْنٌ، مَدْعُوَّةٌ، مَدْعُوَّتَانِ، مَدْعُوَاتٌ

مَدْعُوٌّ аслида эди. Биринчи вовни иккинчи вовга идғом қилдик مَدْعُوٌّ бўлди. Охиригача ушбу 6-сийғада идғомнинг шарти мавжуд.

Маълуми феъли жаҳд

لَمْ يَدْعُوا، لَمْ يَدْعُوْا، لَمْ تَدْعُ، لَمْ تَدْعُوْا، لَمْ تَدْعُوْا، لَمْ تَدْعِي، لَمْ تَدْعِيْ

تَدْعُوا، لم تَدْعُونَ، لم أَدْعُ، لم نَدْعُ

يَدْعُو сийғасига лами жозима кирди. Охирини жазм қилди. Жазм қилганини белгиси, ҳарфи иллатни тушурмоқлигидир.

يَدْعُوا لم бўлди. يَدْعُوا لم аслида يَدْعُوا لم эди. Замма вовга оғир бўлгани учун вовни заммасини ташладик يَدْعُوا لم бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Икки вов орасида биринчи вовни ҳазф қилдик يَدْعُوا لم бўлди. يَدْعُوا хам шундай.

يَدْعِي لم аслида يَدْعِي لم эди. Касра вовга оғир бўлгани учун вовни касрасини моқаблига бердик. Уни ҳаракатини ташлагандан кейин يَدْعِي لم бўлди. Моқабли мақсур бўлган вовни га қалб қилдик يَدْعِي لم бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Икки ي орасида биринчи ي ни ҳазф қилдик. ي لم бўлди.

Мажхули феъли жаҳд

يَدْعِي، لم يَدْعِيَا، لم يَدْعُوا، لم تَدْعُ، لم تَدْعِيَا، لم يَدْعَيْنِ، لم تَدْعُ، لم تَدْعِيَا، لم تَدْعُوا، لم تَدْعِي، لم تَدْعِيَا، لم تَدْعَيْنِ، لم أَدْعُ، لم نَدْعُ

يَدْعِي сийғасига лами жозима киргандан сўнг, муфрад сийғаларида мўъталли сокинни туширди. 5-сийғада يَدْعُوا لم аслида يَدْعُوا لم бўлиб, вов вокеъ бўлди. Калиманинг 4-ҳарфини баробарида моқабли замма эмас, вовни га қалб қилдик. يَدْعِيَا لم бўлди. ي мутаҳаррик моқабли мафтух ي ни алифга қалб қилдик. يَدْعَاوَا لم бўлиб ижтимои сокинайн ҳосил

бўлди. Алиф билан вов орасида алифни ҳазф қилдик. **لَمْ يُدْعُوا**
бўлди. **لَمْ تُدْعُوا** ҳам шундай. **لَمْ تُدْعِي** аслида **لَمْ تُدْعِي** эди. **ي**
мутаҳаррик моқабли мафтух **ي**ни алифга қалб қилдик. **لَمْ**
бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Алиф билан **ي**
орасида алифни ҳазф қилдик **لَمْ تُدْعَى** бўлди.

Феъли нафийнинг маълуми

لا يَدْعُو، لا يُدْعَوَانِ، لا يُدْعُونَ، لا تَدْعُو، لا تَدْعُونِ، لا تَدْعُونَ، لا
تَدْعُونَ، لا تَدْعِينَ، لا تَدْعُونِ، لا تُدْعُونَ، لا تُدْعُونَ، لا تُدْعُونَ

Феъли нафийнинг мажҳули

لا يُدْعَى، لا يُدْعَيَانِ، لا يُدْعَوْنَ، لا تُدْعَى، لا تُدْعَيْنِ، لا تُدْعَيْنِ، لا
تُدْعُونَ، لا تُدْعِينَ، لا تُدْعِيَانِ، لا تُدْعِينَ، لا تُدْعِيَانِ، لا تُدْعِيَانِ

Барча эълол қоидаларида феъли нафийни феъли музореъга киёс қил.

Амри ҳозир

أُدْعُ، أَدْعُوا، أَدْعِي، أَدْعُوا، أَدْعُونَ

أُدْعُ ни **تَدْعُو** мухотаби маълум сийғасидан икки амал билан олинади.

Биринчи амал шуки, ушбу мухотаб сийғасини охирига қарадик, мўъталли сокин экан. Уни ташладик **تَدْعُ** бўлди.

Иккинчи амал шуки, ҳарфи музоратни ташладик **دُعُ**

бўлди. Сокин билан ибтидо қилиш мумкин эмас. Ўайн бобига қарадик, мазмумул ўайн экан. Аввалига заммалик ҳамза келтирдик, اذُعْ бўлди.

Нуни таъкиди хофифаҳ билан اذُعْنُ اذُعُنْ бўлади.
Сақила билан اذُعُوْنَ اذُعُوَنَّ، اذُعُوْ، اذُعُوْ، اذُعُوْ، اذُعُوْ، اذُعُوْ бўлади.

Амри ғоибнинг маълуми

لِذُعْ، لِيذُعُوا، لِيذُعُوا، لِيذُعُوا، لِيذُعُونَ، لِأذُعْ، لِيذُعْ

Амри ғоибнинг мажҳули

لِيذُعْ، لِيذُعِيَا، لِيذُعُوا، لِيذُعِي، لِيذُعِيَا، لِيذُعِيْنَ، لِيذُعْ، لِيذُعِيَا، لِيذُعُوا، لِيذُعْ، لِيذُعِيَا،
لِيذُعِيْنَ، لِأذُعْ، لِيذُعْ

Амри ғоибни маълум ва мажҳули феъли жаҳднинг маълум ва мажҳули кабидир.

Феъли наҳийнинг маълуми

لا تَذُعْ، لا تَذُعُوا، لا تَذُعُوا، لا تَذُعِي، لا تَذُعُوا، لا تَذُعُونَ، لا يَذُعْ، لا يَذُعُوا، لا يَذُعُوا،
يَذُعُوا، لا تَذُعْ، لا تَذُعُوا، لا يَذُعُونَ، لا أذُعْ، لا نذُعْ

Феъли наҳийнинг мажҳули

لا تَذُعْ، لا تَذُعِيَا، لا تَذُعُوا، لا تَذُعِي، لا تَذُعِيَا، لا تَذُعِيْنَ، لا يَذُعْ، لا يَذُعِيَا، لا يَذُعُوا،
يَذُعُوا، لا تَذُعْ، لا تَذُعِيَا، لا يَذُعِيْنَ، لا أذُعْ، لا نذُعْ

Наҳийнинг маълум ва мажҳулини эълоли феъли

жаҳднинг маълум ва мажҳулига ўхшашдир.

Исми замон ва макон

مَدْعَى، مَدْعِيَانِ، مَدَاعٍ

مَدْعَى аслида مَدْعَوٌ эди. Вов мутаҳаррик моқабли мафтух вовни алифга қалб қилдик مَدْعَانُ бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Алиф билан танвин орасида алифни ҳазф қилдик مَدْعَى бўлди.

مَدَاعٍ аслида مَدَاعِوُ бўлиб, унда вов воқеъ бўлди. Калиманинг бешинчи ҳарфини баробарида моқабли замма эмас, вовни يга қалб қилдик. مَدَاعِي бўлди. Замма يга оғир бўлгани учун يни заммасини ташладик مَدَاعِيْنُ бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди, ي билан танвин орасида يни ҳазф қилдик مَدَاعٍ бўлди.

Исми олат

مَدْعَى، مَدْعِيَانِ، مَدَاعٍ

Исми олатни эъллда исми замон ва маконга қиёс қил.

Исми тафзил

أَدْعَى، أَدْعِيَانِ، أَدْعَوُنْ، دُعِيَانِ، دُعِيَاتٌ

أَدْعَى аслида أَدْعُوٌ эди. Бу ерда вов воқеъ бўлди. Калиманинг 4-ҳарфини баробарида моқабли ғойри зам

вовни ى-га қалб қилдик. أَدْعِي بўлди. ى мутахаррик моқабли мафтух ىни алифга қалб қилдик. أَدْعَى бўлди. أَدْعُونَ аслида أَدْعُوهُمْ эди. Вов калимани тўртинчи ҳарфини баробарида келди. Вовни ىга қалб қилдик أَدْعُونَ бўлди. ى ҳаракатли моқабли мафтух ىни алифга қалб қилдик. أَدْعَاؤُن бўлиб, ижтимои сокинайн ҳосил бўлди. Алиф билан вов орасида алифни ҳазф қилдик. أَدْعُونَ бўлди. دُعَى аслида، دُعِيَّاتٌ، دُعَوَاتٌ، دُعِيَّانٌ، دُعَوِيَّانٌ:

Ушбу 3-сийғада вовни ىга қалб қилдик. Музаққарига эргашмоқлиги учун دُعِيَّانٌ – دُعِيَّانٌ – دُعِيَّاتٌ бўлади.

Бу иккинчи бобда أَجْوَفٌ يَأِي ва أَجْوَفٌ يَأِي ва ناقص يَأِي ва لفيف ва ملتوي келмагандир.

УЧИНЧИ БОБ

Учинчи боб баёни

Сулосий мужарраднинг учинчи боби мозийда ва ҳам музореъда айни фатҳали бўлиб فَعَلَ – يَفْعَلُ кўринишида келади. Бу бобнинг масдари ўн вазнда келгандир.

Вазнлар	Мисоллар	Маънолар
فَعَلَ	مَنَعٌ	манъ қилмоқ, қайтармоқ
فَعُولٌ	سُنُوخٌ	зоҳир бўлмоқ
فَعَالَةٌ	مَهَارَةٌ	моҳир бўлмоқ
فَعَالَةٌ	دُعَابَةٌ	ҳазил ёки мазах қилмоқ

فِعَالَةٌ	رِعَايَةٌ	сақламоқ
فِعَالٌ	ذَهَابٌ	кетмоқ
فُعَالٌ	سُؤَالٌ	сўрамоқ
فُعْلَانٌ	طُعْيَانٌ	ҳаддан ошмоқ
فُعْلَةٌ	رُؤْيَةٌ	кўрмоқ
فِعْلٌ	بِسْحَرٌ	сеҳр қилмоқ

Бу бобнинг музореъсининг айнидаги фатҳа касрадан нақл қилинган. Бу бобда келган феъллар ҳар вақтда айни ёки ломи феъли баробарида حُرُوفُ الْحَلْقِ дан бир ҳарф бўлгани учун музореъда касрадан ҳарфи ҳалқга чиқмоқ оғир. Шунинг учун музореъда касрани фатҳага нақл қилингандир: ҳуруфи ҳалқ олтидир, خَا، غَيْنٌ، حَا، عَيْنٌ، هَا، هَمْزٌ، дир.

Бу бобнинг саҳиҳига мисол: مَنَعًا - يَمْنَعُ - مَنَعٌ.

Бир нарсанинг беришдан ман қилмоқ.

مَنَعٌ мозий, يَمْنَعُ музореъ, مَانِعٌ исми фоил, مَمْنُوعٌ исми мафъул, لَمْ يَمْنَعْ феъли жаҳд, لَا يَمْنَعُ феъли нафий, اِمْنَعُ амри ҳозир, اِمْنَعُ амри ғоиб, لَا تَمْنَعُ феъли наҳий, مَمْنَعٌ исми замон ва макон, اَمْنَعُ исми олат, اَمْنَعُ исми тафзил.

Бу феъли صَرَبَ феълига ўхшашдир. Тасриф ва амр олмоқда.

Бу бобнинг феъли مَنَالٌ га мисол - يَضَعُ - وَضَعًا - يَضَعُ.

يَضَعُ мозий, يَضَعُ музореъ, وَاضِعٌ исми фоил, مَوْضُوعٌ исми мафъул, لَمْ يَضَعُ феъли жаҳд, لَا يَضَعُ феъли нафий, صَعُ амри ҳозир, لِيَضَعُ амри ғоиб, لَا تَضَعُ феъли наҳий, مَوْضِعٌ исми замон ва макон, مِيضَاعٌ исми олат, اَوْضَعُ исми тафзил.

Қоида

يَضَعُ аслида يَوْضَعُ эди. Вов ҳарфи музораат билан касраи тақдирининг-фаразининг орасида келса, шундай вовни ҳазф қилинади. مِيضَاعٌ аслида مَوْضَاعٌ вов сокин бўлиб, моқабли касра бўлса, ундай вовни ﻻ га қалб қилинади.

Бу бобни ناقص га мисол: رَعَى - يَرْعَى - رَعَايَةٌ Бировнинг ҳурматини сақламоқ.

رَعَى мозий, يَرْعَى музореъ, رَاعٍ исми фоил, مُرْعِيٌّ исми мафъул, لَمْ يَرْعَ феъли жаҳд, لَا يَرْعَى феъли нафий, أَنْعَ амри хозир, لِيَرْعَ амри ғоиб, لَا تَرْعَ феъли нахий, مُرْعَى исми замон ва макон, مَرْعَى исми олат, أَرْعَى исми тафзил. رَعَى - يَرْعَى аслида رَعَى - يَرْعَى эди. ﻻ мутаҳаррик моқабли мафтуҳ ﻻ ни алифга қалб қилдик رَعَى - يَرْعَى бўлди.

رَعَى сарфи: رَمَى қаби.

Феъли музореъ баёни

يَرْعَى، يَرْعِيَانِ، يَرْعُونَ، تَرْعَى، تَرْعِيَانِ، تَرْعُونَ، تَرْعِيَانِ، يَرْعِيَنَّ، يَرْعِيَانِ، يَرْعِيَانِ، تَرْعِيَانِ، تَرْعِيَانِ، تَرْعِيَانِ، تَرْعِيَانِ، تَرْعِيَانِ، تَرْعِيَانِ، تَرْعِيَانِ

Ғоибин, мухотабин, мухотабах, сийғаларида лами феъл махзуф. Барча муштаққотини мисоли айтилди.

Учинчи бобда مضاعف، أحواف، لفيف، ملتوي феъллари келмаган.

ТҮРТИНЧИ БОБ

Бу боб мозийда айни касрали, музореъда фатҳали **يَفْعَلُ** – кўринишида келади.

Бу бобнинг масдари ўн вазнда келган.

Вазнлар	Мисоллар	Маънолар
فَعَلٌ	تَعَبٌ	Чарчамок
فُعْلٌ	نُضِجٌ	Пишмоқ
فِعْلَانٌ	نَسِيَانٌ	Унутмоқ
فَعْلٌ	سَعِنٌ	семиз бўлмоқ
فَعَالٌ	حَيَاءٌ: حَيِيٌّ، يَحْيِي، حَيَاةٌ	уялмоқ; тирик бўлмоқ
فَعْلٌ	لَعَبٌ	ўйнамоқ
فَعَالَةٌ	كِرَاهَةٌ	ёмон кўрмоқ
فُعُولٌ	صُعُودٌ	юқорига чиқмоқ
فُعْلَةٌ	قُوَّةٌ	кучли бўлмоқ
فُعْلَةٌ	رَحْمَةٌ	меҳрибончилик қилмоқ

